Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 9 февраль • Сешанба • № 17 (14045) ترکستان ✽ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

ИХЧАМ... ЕНГИЛ... ЧИРОЙЛИ... АРЗОН...

Бозорга чиқсангиз ёки тижорат дўконларини айлансангиз хорижий мамлакатларда тайёрланган оёқ кийимларининг нархи ўртача 5 мингдан 50 мингга боради. «Тавба» деб ёқа ушлайсиз. Сотувчидан сўраб кўрасиз, «нима буни олсам ўзи олиб юрадими!» Албатта, оёқ кийим учар гилам эмас, сизни кўтариб учиб юрса. Керак бўлса, ўзингиз юраверасиз-да. Яна савол туғилади. Унда нега бунча қиммат! Бунинг сабаби, улар ихчам, енгил, пишиқ-пухта, бежирим — битта туфли ёки этикни олсангиз тўрт-беш йил тепиб-тепкилаб кийишингиз мумкин. Узимизда ишлаб чиқарилганларга ўхшаб тўрт-кунда оғзини очиб «салом» бериб турмайди. Хуллас, олсангиз куймайсиз. Пулингиз ўзингиз билан кетади.

Яқин-яқингача шундай фикрда эдик. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда, қўшни давлатларда ҳам «Фарғона» маркали оёқ кийимлар урфга кира бошлади. Фарғоналик усталар тиккан ёзлик-қишлик туфлилар, этиклар харидорлар эътиборига тушди. Улар бизда ҳам худди хориж фирмаларидагидек пишиқ-пухта маҳсулот чиқаришнинг иложи борлигини исботлашди.

Бунинг асосий сабаби, Фарғона оёқ кийимлар фабрикаси жамоаси эътиборни сонга эмас, сифатга қарата бошлаганидадир. Натижа улар кутгандек бўлди. Меҳнатлари оғизга тушди. Бири-биридан чиройли, пишиқ-пухталикда ҳар қандай хорижликларникидан қолишмайди. Шу сабаб бўлса керак, бу йил фабрика билан етмишдан ортиқ савдо ташкилоти ҳамкорлик шартномаси тузган. Бу йил фабрика жамоаси юз турдан ортиқ эркаклар, аёллар, болалар — умумий сони 5 миллион 273 минг жуфт оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Суратда: фабрика ишчилари Н. Юнусова ва И. Юсуповалар 1993 йилда сотувга чиқариш мўлжалланган янги аёллар оёқ кийимларини кўргазма қилишмоқда.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) сурати.

Чу сонга хабар

НУКУСДАН ПАРИЖГА ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ...

Нукусликлар хонадондаги ёки иш жойидаги телефондан жаҳондаги ҳар қандай катта шаҳарга қўнғироқ қилишлари учун саноқли дақиқалар кифоя қилади. Бу ерда янги телефон станцияси ишлай бошлади. Бу станция Қорақалпоғистон пойтахтида яшовчиларни йўлдош орқали хорижий абонентлар билан боғлайди. Гаплашиш нархи эса бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидагига нисбатан анча арзон. Одамларнинг фикрича, олисдаги абонент овози яхши эшитилади.

Халқаро йўлдош алоқасидан асосан ишбилармонлар, саноат корхоналарининг раҳбарлари фойдаланишмоқда. Улар АҚШ, Франция, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлар билан гаплашмоқдалар. Халқаро телефонда гаплашганлик учун сўм билан ҳам, эркин алмаштириладиган валюта билан ҳам ҳақ тўлаш мумкин.

ТОВУҚЛАРГА НИМА БЎЛДИ?

Бухоро туманидаги учта жамоа хўжалигининг парандачилик фермаларида ҳамда «Бройлер» фабрикасида 140 мингта товуқ боқилмоқда.

Лекин вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, товуқлар январь ойи давомида битта ҳам тухум қилмаган. Товуқларга нима бўлди экан? Ёки донаси 18 сўмга чиққан тухумлар ҳақиқатда бор-у, лекин маълумотномаларга атайлаб киритилмаётганмикан? Бу бошқотирмага Бухоро вилояти Агросаноат бирлашмаси раҳбарлари қандай жавоб беришаркан?

МАЖЛИС ДЕГАН БУНДОҚ БЎЛАДИ

Одатда мактабларда ўтказилмиш ота-оналар йиғилишлари ҳисоб-китоб, яхши-ёмон ҳулқли болаларнинг таърифидан бошланарди. Обдон «иккичи»ларнинг ота-оналари «гап» эшитишгач, мақтов навбати аълочиларга келарди. Кейин, ул-бул ҳужжатга имзо чекилиб, хайр-хўшлишиларди. Аммо Тошкентдаги Н. Носиров номидаги 273-мактаб-лицейда унақанги кўникмалардан воз кечилган. Мана, куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги ота-оналар мажлисида барча болалар концерт дастури билан уларни қарши олдилар. Дастурхон ёзилди. Ҳамма баҳамжиҳатликда мактабнинг шу йил режасини ишлаб чиқди. Директор Мавлудахон Исматованинг маърузасини тингладилар. Хуллас, иш ҳам, ҳордиқ ҳам бир йўла бўлди. Кун бўйи хизматдан ҳориб қайтган ота-оналар бу йиғилишдан жуда мамнун бўлдилар.

М. АЛИМОВА.

ВАТАН РАВНАҚИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериб:

1. Охирги йил ўқиётган талабалар ва аспирантлар— бутун ўқиш давридаги аълочилар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилсин.

Бу стипендиялар сони қуйидагича белгилансин: талабалар учун ҳар бир талабанинг ўртача стипендияси миқдоридан уч карра кўп бўлган 10 та; аспирантлар учун — ҳар бир аспирант стипендияси миқдоридан икки карра кўп бўлган 5 та.

2. Улгуриши аъло даражада бўлган, ижодий ишда қатнашадиган учинчи ва ундан юқори курсларнинг талабалари учун қуйидаги давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника факультетлари учун — Беруний номида, тиббиёт факультетлари учун — Ибн Сино номида, гуманитар факультетлар учун — Навоий номида, табиий факультетлар учун — Улуғбек номида.

Стипендиялар сони таълим йўналишлари бўйича юқори курсларнинг ҳар минг нафар талабасига икки карра кўп миқдордаги битта стипендия ҳисобидан белгилансин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий аттестация комиссияси 20 кун муддат ичида талабаларга давлат стипендияларини бериш тўғрисидаги низом ва тартибни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, давлат стипендияларини олувчи талабаларга тегишли кўкрак нишонлари ва гувоҳномалар берилади. Улар олий ўқув юртини тамомлаганларидан кейин кириш имтиҳонларисиз аспирантурага қабул қилинадилар ҳамда ёш мутахассислар қатори малака ошириш ва ўқишни давом эттириш учун чет элларга юбориш чоғида устунликка эга бўладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси:

— мактаб ёшлари ўртасида вақти-вақти билан турли республика мусобақаларини ўтказсинлар, ёшларнинг халқаро мусобақаларда фаол иштирок этишларига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар;

— 20 кунлик муддат ичида мактаб ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, конкурслари ва мусобақаларини ўтказишнинг низоми ва тартибини ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсинлар.

6. Олимпиадалар, конкурслар ва мусобақаларнинг ғолибларига қуйидаги пул мукофотлари:

— I—V ўринларни олган ғолибларга талаба стипендияси миқдорининг ўн каррадан олти каррагача кўп бўлган халқаро мукофотлар;

— I—II—III ўринларни олган ғолибларга талаба стипендиясининг уч-икки-бир карра кўп бўлган республика мукофотлари белгилансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, халқаро ва республика мусобақаларининг ғолиблари бўлган битирувчи синфларнинг ўқувчилари олий ўқув юртларининг биринчи курсларига кириш имтиҳонларисиз, тест синовидан ўтказилмай қабул қилинадилар ва хорижий мамлакатларнинг ўқув юртларига юбориладиган гуруҳларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилдан бошлаб ҳар йили ана шу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратишни кўзда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

— 1993 йилнинг 1 мартидан ушбу Фармонда қайд этилмаган давлат стипендияларини бекор қилсинлар;

— уларга белгиланган стипендия жамғармаси доирасида олий ўқув юртларининг тақдимномаларига кўра ва Вазирлар маҳкамаси билан келишиб, Ўзбекистоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган атоқли фан ва маданият арбоблари шарафига бир ярим баробар ҳажмли махсус стипендиялар таъсис этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 20 кунлик муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ТАЛАБАЛАРНИ ТЕСТ УСУЛИДА САРАЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1992 йилда талабаларни тест усулида қабул қилишнинг ижобий якунларини эътиборга олиб, олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг тавсияларини ва кенг жамоатчиликнинг истакларини назарда тутиб, Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1993 йилда барча давлат олий ўқув юртлари, шунингдек республикадаги рухсатномаси бўлган барча таълим шаклидаги олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усули билан саралаб олиш жорий этилсин.

2. Тест усули билан саралаш олий ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш республика маркази зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Бир ой муддатда республика маркази билан биргаликда олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва уни тасдиқлаш учун давлат комиссиясига тақдим этсин, низомга тест синовлари билан биргаликда кўп балли тизим асосида ўтказиладиган халқаро, ижодий, адабий-бадиий ва спорт йўналишларидаги қўшимча имтиҳонлар рўйхати белгилаб қўйилсин;

1992-93 ўқув йилида Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 9 апрелдаги 181-сонли қарорида кўрсатилган 19 та олий ўқув юртида, қолганларида эса 1993-94 ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг жорий ўзлаштиришларини синаш учун тест усуллари қўлланилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, олий ўқув юртларининг ректорлари тест усулида синаш учун барча зарур шарт-шароитларни таъминласинлар, бўлажак талабаларга майший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни аниқлаш ва ҳисоб комитети 1993 йилда тест ўтказиш республика маркази талабномасига мувофиқ хорижий ускуналарни сотиб олишга ва кундалик харажатларга валюта фондидан 3 миллион АҚШ доллари ажратсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда сўм билан қопланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республика маркази учун техникавий воситаларни етказиб берсин.

6. Синовларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни бажариш учун:

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети тест материалларини уларнинг сифати, безатилиши ва муддатларига қўйилган талабларни ҳисобга олиб, нашр этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тест усули билан синаш жойларида тест материаллари сақланишини ва жамоат тартибини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тест материалларини жойларга келтирилишини, сақланишини ва уларнинг маҳфийлигини таъминласин;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тест усулида синаш материаллари ва уни кузатиб борувчиларини жойларга етказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компанияси аҳоли кенг доиралари орасида олий ўқув юртларига кириш чоғида холислик ва адолатни таъминлашда тест усули билан синашнинг аҳамиятини мунтазам тушунтириб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбекшартномасавдо» мазкур мақсадларга зарур маблағ ва ресурслар ажратсин.

8. Олий ўқув юртларига талабаларни қабул қиладиган давлат комиссияси тест билан синаш тажрибасини умумлаштириб, уни янада такомиллаштириш юзасидан 1993 йилнинг октябрида Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Республика марказига Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги 337-сонли ва 1992 йил 8 октябрдаги 465-сонли қарорларида кўзда тутилган имтиёзлар берилсин.

10. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қ. Қорабоевга юклатилсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 февраль.

Бизнинг мусоҳаба

У СИЗНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАНГИЗ...

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА»НИНГ БОШ МУҲАРРИРИ В. А. ФРОНИН БИЛАН СУҲБАТ

— Владислав Александрович, одатда ўзбек халқида меҳмон келса олдига чой қўйилади, нон қўйилади, лекин «ўш, хизмат», деб сўралмайди. Шундай бўлса-да, сафардан мақсад нима деб сўрашга ижозат бергайсиз.

— Аввало, Ўзбекистон мустақил бўлгандан бери, бу ёқларга келолмагандим. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деб... Қолаверса, тан олиш керак, кейинги пайтларда газетамиз Ўзбекистонда маълум даражада ўз мавқеини тушириб қўйди. Айрим мақолаларимиз жамоатчиликда норози кайфиятлар уйғотганидан хабаримиз бор...

— Яхши гап очиб қолдингиз, мавриди келса шу ҳақда ўзим сўз очмоқчи эдим...

— Ҳа, шу масалада ҳам фикрлашиб олиш, керак бўлса ўз йўналишимизни ўзгартирганимиз ҳақида ҳам тегишли кишилар билан гаплашиб олиш эди. Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашиш эди. Сизларда билмадим-у, бизда Президентингизга қизиқиш ўта кучли. Уни ўзига хос, мустакил ва жасур ўз позициясидан чекинмайдиган қаттиққўл раҳбар деб таърифланади. Яна юқорида айтганимдай, минг марта эшитгандан деб...

— Ҳабардорман, Президент билан суҳбатлашишга муяссар бўлдингиз. Сир бўлмаса нима ҳақда гаплашдинглар-у, у сизда қандай таассурот қолдирди?

— Нима ҳақда суҳбатлашганимиз сир эмас-у, фақат бир оз сабр қилсак у тез кунда «Комсомольская правда»да чоп этилади. Шунда ўқирсизлар. Балки лозим топсанглар ўз газетангларда кўчириб боссанглар ҳам арзийди. Муҳими биз ўз позицияларимизни баён қилдик, ниятларимиз ҳам аслида бир экан. Ҳаммамизнинг дардимиз бир — халқларимиз тинч, омон, фаровон яшасин. Шу йўлда биргалашиб ишламоғимиз керак.

Газетамиздаги айрим камчиликлар хусусида ҳам гаплашдик. Биласизми, етмиш йиллик исканжадан халос бўлгач, мувозанатга келиб олгунча маълум вақт керак. Мана шу даврда баъзан нохолис фикрлар ҳам айтиб юборилди. Бу хусусда жамоамизда ҳам жиддий гаплашиб олдик.

Президентга келсак, у менда кучли таассурот қолдирди. Мен дунёдаги энг йирик газеталардан бирининг бош муҳаррири сифатида кўплаб Президентлар билан учрашганман. Уларнинг кўпчилиги менда бироз романтикроқ фикрловчи кишилар сифатида таассурот қолдиришган. Каримов эса том маънодаги реалист экан. Ҳаётнинг барча мураккабликлари, аччиқ-чучугини ҳис қилиб турган киши экан у. Қийинчиликларни яшириб ўтирмайди, уларни тан олишдан қўрқмайди. Айни пайтда у катта оптимист ҳам экан. Ўзининг ва давлатининг имкониятларига тўғри баҳо бера олади, мамлакатнинг келажагини хаёлпарастларча эмас, балки иқтисодчи раҳбар сифатида аниқ-тиниқ чизиб бергани менда кучли таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

Қардошлар қутлови

Омон бўлинг

Тожикистонни қийин аҳволдан халос этишда раҳнамолик қилган, тожик халқини биродаркушлик ҳалокатидан қутқарган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шаънига юртдошларимдан юзлаб миннатдорчилик сўзларини эшитдим. Мен туғилиб ўсган юртда тинч-тотувлик ўрнатилишида етакчилик қилган Президентимизга қандай йўл билан халқим миннатдорчилигини етказсам деган ўйда юрганимда у кишининг туғилган кунларига 55 ёш тўлганлигини иттифоқо эшитиб қолдим ва қуйидаги шеъримни битдим. Бу шеър менинг қаламим маҳсули бўлганлиги билан уни барча тожикистонликларнинг дил сўзлари деб қабул қилинишини сўрардим.

МУАЛЛИФ.

Жаҳонни забт этиб олган Искандар,
Қон тўкди йиғмоқ-чун молу пулу зар.
Чингизхон ўлатдек кезди дарбадар,
Темур ҳар ғанимга санчди тиғ-ханжар.
Юртимиз соҳиби бўлганда Ислом,
Тинчликка кўргузди элга эҳтиром!
Тожикистон ғами дилни тилганда,
Ариқлар сув эмас, қонга тўлганда,
Адолат чекиниб шайтон кулганда,
Гуруҳбоз ноиблар бўлди шарманда.
Учмасин оламдан тожик деган ном —
Деб мадад қўлини ким чўзди! — Ислом!
Туркистондан олдин буюк Турон бу,
Эврилиш ҳангоми кўчган сурон бу,
Жаҳонда ягона Ўзбекистон бу,
Халқим орзу қилган даврў даврон бу!
Элимиз бахтига омон бўлинг, Сиз,
Меҳр-мурувватли султон бўлинг, Сиз,
Инсоф, адолатга посбон бўлинг, Сиз,
Эллик беш ёшингиз муборакбоддир,
Шукрки юртимиз тинчу ободдир.

Олимжон БУРИЕВ.

ДЎСТ ЁРДАМГА КЕЛГАНДА...

Кузда Тожикистонда тарқалган ғалати касалликни аниқлаш учун Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли марказий санитария-эпидемиология лабораторияси мутахассисларига бор-йўғи икки соат кифоя қилди.

Маҳаллий шифокорлар аввалига «вирусли гепатит», яъни сариқ касал деб гумон қилган, аммо асорати ундан ҳам оғирроқ бўлган бу ўлат Кўлоб вилоятидаги тўрт мингдан зиёд одамни ўз домига тортди. 29 киши ҳаётдан кўз юмди. Ачинарлиси шундаки, ўлганларнинг аксарияти болалар эди. Офатнинг бутун Тожикистонга тарқалиш хавфи туғилди.

Яқинда, Тожикистон ҳукуматининг илтимосига кўра, лаборатория ходимлари Кўлобга йўл олдилар.

Маълум бўлишича, ғалати ўлатнинг тарқалишига сабаб — буғдойзорда ўсадиган гелиотроп, ўзимизнинг тилда айтганда кўкмараз ўсимлигида экан (халқ ичида уни «кампирчопон» ҳам дейишади).

— Бу ўсимликнинг турганбитгани заҳар, — дейди лаборатория бошлиғи М. Мадаминов. — Уни ҳатто ҳайвонлар ҳам емайди. Лекин буғдойдан анча кеч пишиши туфайли, гелиотроп одатда заҳарини «сочишга» улгурмайди.

Тожикистонда уруш сабабли буғдой вақтидан 1—1,5 ой кечикиб йиғиштирилган. Натижада, унинг таркибига «қиёмига етган» гелиотроп аралашиб қолган.

Санитария-эпидемиология лабораторияси мутахассислари касалликни аниқлашгач, улар билан бирга Кўлобга келган алоҳида вазифаларни бажарувчи тиббий гуруҳ шифокорлари ўлатдан жабр кўрганларни даволашга киришдилар.

— Лаборатория мутахассислари эса, — дея сўзига нуқта қўяди Маъруфжон Мадаминов, — заҳарли нонни истеъмол қилган одамларни аниқлаш билан бир қаторда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришаяпти.

Т. НУРМУҲАМЕДОВ,
(ЎзА мухбири).

Бизнинг мусоҳаба

БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларини шакллантириш ва эркин нархларнинг жорий этилиши шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини изчил амалга ошириб келаётир. Лекин шунга қарамай иқтисодиётнинг турли соҳаларида, шу жумладан, жумҳуриятда чоп этилаётган газеталар ва журналларда ҳам бир хил, тенг журналистлар меҳнатига турлича миқдорда ҳақ тўлаш ҳамда маош белгилашда катта тафовутлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ҳозир жумҳуриятимизда шу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалдаги ставкалар ва маошларни ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқ кўриб чиқмоқдалар.

Хўш, республикамизда чоп этилаётган газеталар ва журналларнинг гуруҳлари ва улар раҳбарларининг ҳамда таҳририятлар ходимларининг лавозим маошлари ягона тариф сеткаси бўйича қандай белгиланди? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бюджет ташкилотлари ва мулкчиликнинг бошқа турлари бўлими бошлиғи Тўхтамурод ЗОКИРОВга шунга доир бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Тўхтамурод ака, ягона тариф сеткасига нима асос қилиб олинган?

— Маълумки, ягона тариф сеткаси негизига энг кам иш ҳақи миқдори ҳамда меҳнатнинг мураккаблиги ва ишчиларнинг малакасини ҳисобга олувчи табақалаштирилган коэффицентлар асос қилиб олингандир. Уни жорий қилиш энг аввало иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли принципларини тиклашни назарда тутади. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор билан республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг 28 разряди жорий этилади. Мазкур разрядлар тариф ставкаларининг энг паст разрядидан энг юқори разрядга томон муттасил ошиб боришини таъминлайди.

— Бу бирмунча тушунарлидир. Бироқ газеталар таҳририятларининг гуруҳларини аниқлаш, улар раҳбарлари ҳамда таҳририят ходимларига меҳнат ҳақи тўлашни белгилаш кўрсаткичлари мезони ва тартиблари қандай?

— Ўзбекистонда чоп этилаётган газеталарнинг бешта гуруҳи белгиланган. Бу нимага асосан? Биринчидан, газетанинг формати, яъни ҳажми, иккинчидан, ҳафтада сонларининг чиқиш даврийлиги ва бошқа омиллар инобатга олинган. Масалан, биринчи гуруҳга 4А2 ёки 6А3; 8 А2 ёки 16А3 форматда бўлган, ҳафтасига беш ва ундан ортиқ маротаба чиқадиган республика газеталари киритилган. Айни шу ҳажмда, аммо ҳафтасига 1—1,4; 5 ёки ундан ортиқ чоп этиладиган республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлар газеталари иккинчи гуруҳга киритилган. III-V гуруҳларга ҳам шунга ўхшаш белгилар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, бирлашмалар газеталари киритилган.

Бу ўринда яна савол туғилмаслиги учун шуни илова қилишим лозимки, газеталарнинг республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман ва бирлашмаларга мансублиги давлат башқарувининг тегишли органига қараб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси матбуот Давлат қўмитасига кирадиган газеталар таҳририятлари раҳбарларининг ва таҳририят ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни газеталар таҳририятларига нисбатан юқори бўлган бошқарув органлар томонидан амалга оширилади. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак: газета таҳририятининг таъсис этувчиси қайси вазирлик, ташкилот, ҳокимият, корхона, маҳкама ва муассасага қарашли бўлса, журналистларнинг меҳнатига ҳам, бўладиган сарф-ҳаражатларга ҳам шулар ҳақ тўлашни амалга оширдилар.

— Ҳозирча газеталар учун белгиланган гуруҳлар қатъий ва ўзгаришсиз қолаверадими? Ёки...

— Саволингизга тушундим. Йўқ, бу қатъий, узилкесил чегара эмас. Газета ҳозир қайси гуруҳга мансуб бўлса, у шундайлигича қолаверади дейиш нотўғри. Бу, аввало ҳар бир газета таҳририяти жамоасига бевосита боғлиқдир. Чунки газетада чоп этилаётган материаллар сифати, далилларининг ҳақконийлиги ортиб борса, яъни унга белгиланган кўрсаткичлар натижалари юқори бўлса, унда Ўзбекистон Республикаси матбуот Давлат қўмитаси, вазирликлар, маҳкамалар, ҳокимиятлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз тасарруфларидаги газеталар таҳририятларини белгиланган гуруҳдан бир поғона юқорига кўтаришлари мумкин. Ёки аксинча бўлса, ҳозирги гуруҳдан бир поғона пастга туширишлари ҳам турган гап. Яъни газетада берилаётган материалларнинг сифати ва далилларда аниқлик пасайган, белгиланган кўрсаткичлар орқага кетган тақдирда бир поғона пастга туширилади.

— Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳамма нарса жамоанинг меҳнатига, омилкорлигига, ижодий изланишига бевосита боғлиқ. Шундан ҳар бир газета таҳририяти қўшни ҳамкасбларидан орқада қолмасликка интилиши турган гап.

Газеталар бош муҳаррирлари, бўлимларининг мудирлари, мухбирлари ва умуман ходимларига белгиланган разрядларнинг диапазони қандай?

— Газеталар ва журналлар таҳририятлари раҳбарларига ҳамда ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар ва лавозим маоши тўлаши 19-7-разряд диапазонида белгиланган. Буни икки-уч мисол асосида тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Масалан, 2-гуруҳга кирган республика газетасининг бош муҳарририга 15-разряд, 5-гуруҳга кирган шаҳар газетасининг бош муҳарририга 13-разряд белгиланган. Шунга мувофиқ тарзда 2-гуруҳга кирган республика газетаси бош муҳарририга маош 10950 сўмга, 5-гуруҳга кирган шаҳар газетасининг бош муҳарририга маош 9125 сўм тўғри келади. Улар ўринбосарларнинг маоши-чи? Бош муҳаррир маошидан 10 фоиз кам миқдорда белгиланади.

Мана шу юқоридаги гуруҳларга кирган бўлим муҳаррири, таҳрир ҳайъатининг аъзосига 2-гуруҳдаги республика газетасида 13-разряд, 5-гуруҳга кирган шаҳар газетасида 12-разряд белгиланди. Шунга мувофиқ тарзда биринчисининг маоши 9125 сўм, иккинчисининг маоши 8325 сўм миқдорини ташкил этиши лозим. Таҳририят шарҳловчисига 2-гуруҳда 14-разряд, 5-гуруҳда 12-разряд белгиланган. Шунга мос тарзда маош ҳам 10000 сўм, 8325 сўм миқдорини ташкил этади.

Бешинчи гуруҳга киритилган газеталар таҳририятлари бўлими мудирлари, мухбирлари, ўз мухбирлари ва бошқа ходимларига берилган разрядлар ва маошлар тўғрисида ҳам юқоридагича таҳлил этиб ўтиш мумкин. Менимча, бунга ҳожат йўқ. Фақат бир нарсани таъкидлаш жоизки, янги тариф сеткасини жорий этиш билан белгиланган илгари амалда бўлган барча қўшимча ҳақлар (устама, мукофотлар ва бошқалар) сақлаб қолинади.

— Таъсис этувчилар, газеталар ва журналларнинг раҳбарларига қандай ҳуқуқлар берилган? Шулар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Таъсис этувчига икки газета ёки журнал таҳририятида маъмурий раҳбарликни, шунингдек ҳисоб ва ҳисоботга методик ҳамда ташкилий раҳбарликни амалга оширган тақдирда республика газеталари ва журналлари таҳририятлари бош муҳаррирлари ва бош бухгалтерларининг лавозим маошларига 50 фоиз миқдоргача қўшимча ҳақ тўлашга ижозат этилган.

Газеталар ва журналлар таҳририятлари раҳбарларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг ойлик фонди доирасида лавозим маошнинг энг кўпи билан белгиланган миқдордан 5 фоизгача кам белгилаш ва мана шу маблағни бошқа ходимларга устама ҳақ сифатида бериш ҳуқуқи берилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида ва Қорақалпоғистон Республикасида чоп этилаётган газеталар ҳамда журналлар гуруҳларга ажратилиши, таҳририятлар раҳбарлари ва ходимларига разрядлар диапазонларининг белгиланиши журналистларнинг ижодига илҳом, қаламига суръат, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида янада ғайрат-шижоат баҳш этади, деб ўйлайман.

Суҳбатдош Карим РАҲИМ,
«Туркистон»нинг сиёсий шарҳловчиси

Ҳаёт ва қонун

ИНСОФ ЙЎҚОЛСА, БАРАКА КЕТАДИ

Узоқ йиллар бизда уюшган жиноятчилар йўқ деб келдик. Баъзиларини жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва маҳаллий раҳбарлар яшириб келдилар. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади деганларидай, халқимиз оғир қийинчиликларни бошидан кечираётган бир дамда уюшган жиноятчилик авж олди. Республикамиз Президенти И. Каримовнинг халқимизнинг истиқлоли, фаровонлиги йўлидаги оғир, шарафли ишларидан бири халқимизнинг ҳаққига ҳиёнат қилувчи жиноятчиларга қарши курашга бош-қош бўлаётганлигидир.

Айниқса, халқ истеъмоли маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилмаётгани баъзи жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Турли хил жиноятчи унсурлар ўз ҳаракат доираларини кенгайтирмоқдалар, вужудга келган вазиятдан усталик билан фойдаланмоқдалар. Қинғир йўллар билан катта бойлик тўпламоқдалар. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш таъминотининг ёмонлашганлиги сабабли ишлаб чиқариш пасайиб кетмоқда. Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш, порахўрлик ва олиб-сотарлик жиноятларининг кенгайганлиги, мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилишлари кўплаб учрамоқда. Жумладан товарлар нархларининг муттасил ошиб бораётганлиги, эркин нархларга ўтилишидан фойдаланиб, савдо ходимлари ва шу соҳадаги шахслар билан алоқа қиладиган баъзи идора раҳбарлари пинҳоний иш битирмоқдалар. Бундан фақат халқ жабр кўрмоқда.

Президентимизнинг аҳолини халқ истеъмоли товарлари билан таъминлашни яхшилаш ҳақидаги қарорлари ва фармойишларининг талаб даражасида бажарилишини таъминлаш, истеъмол бозорини муқобиллаштириш учун ибратли ишлар қилинмоқда. Ҳозирги қийин шароитда давлат ва жамоа мулкини талон-тарожликдан сақлаш мақсадида Ўзбекистон ИИВ давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашни кучайтирдилар.

1992 йил август ойида Гулистон шаҳар савдо идорасининг раҳбари Азиз Содиқов вилоят ҳокимининг фармойишига биноан пионер лагерларида дам олаётган ўқувчиларга берилиши лозим бўлган 4000 килограмм шакарни савдо идораси омборидан олиб чиқиб кетиб яшириб қўйган. Кўрилган қидирув чоралари натижасида шакар яширилган манзил аниқланди. Жиноий режаларни амалга оширишда А. Содиқовга шу савдо маҳкамасининг таъминотчиси Усмон Қамбаров воситачилик қилган. Ўз мансабини суиистеъмол қилган ҳолда А. Содиқов савдо маҳкамасининг ғазначиси Рита Мусаноевани ушбу шакарлар шаҳардаги 20-сонли магазинда сотилди деб сохта ҳужжатлаштиришга мажбур қилган. Ушбу шакарни Азиз Содиқов Қозоғистон Республикасининг Славян қўрғонида яшовчи Аҳмедов Сардор Ҳасан ўғлига нақд пулга — 160 минг сўмга сотиб юборган ва 118 минг сўм фойдани ўз ҳамёнига солган.

Боёвут ноҳиясида жойлашган нон тайёрлаш корхонасининг омбор мудири Мамасоли Раҳматуллаев қандолат маҳсулотларини тайёрлаш учун келган 5 тонна миқдордаги шакарни, қандолат маҳсулотлари учун ишлатмасдан Тожикистон Республикасида яшовчи А. Каримовга ҳар килограммини 25 сўмдан пулламоқчи бўлган пайтда қўлга олинди.

Сирдарё шаҳар маҳаллий саноат корхонаси раҳбари Жамолиддин Шамсуддинов шу корхона ишчиси Виктор Казанцевдан пойафзаллар учун таг-чарм ишлаб чиқарадиган цехни ижарага бериш эвазига 15000 сўм пора беришни талаб қилади.

5 декабрь 1992 йили Ж. Шамсуддинов ўз иш кабинетида В. Казанцевдан 15000 сўм пора олаётган пайтда қўлга олинди.

Ушбу далилларни келтирар эканмиз ўйланиб қоламиз. Ўзбек халқи қадимдан бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслиги, бардошлилиги, бағри кенглиги, диёнатлилиги билан машҳур бўлган. Афсуски, ҳозирги кунга келиб Азиз Содиқов, Мамасоли Раҳматуллаев, Жамолиддин Шамсуддиновга ўхшаганлар орамизда кўпайиб кетаяпти.

Республикамиз нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари ичида, бутун дунёда табиий ресурсларга бой ҳудуд ҳисобланади. Агар халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, порахўр, олиб-сотар, юлғичларга қарши курашиб, бор имкониятларимиздан тўғри фойдаласак, тақчилликни собитлик билан енгиб ўтган, халқимизни фаровон яшайдиган кунга етиб келишини тезлаштирган бўлардик.

Нопок шахсларни орамиздан таг-томири билан йўқ қилиш фақат Ички ишлар вазирлиги ходимларининг вазифаси бўлибгина қолмай, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир. Жамиятимизга ёт бўлган давлат ва жамоа мулкини талон-тарож қилувчиларни аниқлаб халқ билан биргаликда қурашадиган пайт келди. Агар шундай қилмасак, халқимизнинг нонини туя қилувчилар кўпаяверади.

Ж. АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи,

Х. ОРТИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ИЖҚК Бошқармаси ходими.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТАХТАКАЛАШ ОММАЛАШМОҚДА

● БАРЧА янгилик аввалги эскиликдир, деган гап бор. Дарҳақиқат, ҳозир фақат музейларда кўрадиган тахтакалашлар Голландияда янги мода сифатида кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Ажабланарлиси шуки, эндиликда Голландия ишбилармонларининг ҳам рақиби чиқиб қолди. (Улар бир йилда 1 миллион жуфт тахта калаш тайёрлашади). Рақиб хитойлик ишбилармонлар бўлиб, улар голландияликларни анчагина «синдиришмоқда». Чунки хитойликларнинг калашлари анча арзон бўлиш билан бирга, бежирим ва қулай ҳамдир.

КАСТРОМАДА ҚОВУШИШ ТЎХТАТИЛГАНМИ?

● КОСТРОМА вилоятининг «Шимол ҳақиқати» газетасида қизиқ хабар босилиб чиқди. Унда ёзилишича, аёллар ўртасида аборт икки баравар камайиб кетган. Бу ҳам майлия, умуман туғилиш камайгани-чи? Авваллари Костроманинг 1-туғруқхонасида бир йилда 4 мингтадан ортиқ она кўз ёрарди. Энди эса бу кўрсаткич икки бараварга камайиб кетган. Бунга сабаб не экан? Бу борада газетанинг хулосаси қуйидагича: ё костромаликлар орасида жинсий ҳаёт маданияти пасайиб кетган ёки у ерда умуман «секс» тўхтаган.

МАРҲУМЛАР ОЙГА КЎМИЛАДИ

● ЯПОНИЯДА марҳумлар жасади учун мозорлар етишмаяпти. Шунинг учун йирик дафн бюроси — «Сарэй» компанияси бу муаммони ижобий ҳал этиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Улар энди марҳумларни Ойга олиб чиқиб, кўмишмоқчи. Ойнинг Ерга кўриниб турадиган қисмига 10 минг жасад қўйилиши мўлжалланмоқда. Жасадлар қуйдирилиб, унинг кули кичик идишларга солинади ва 10 мингтаси бир ракетада Ойга жўнатилади. Бу ишга 40 миллион доллар сарфланаркан. Демак, ҳар бир марҳум учун 28 минг доллардан.

Қизиғи шундаки, ўлгач, жасади Ойга кўмилишини истаб, аввалдан пул тўлаб, буюртма бериб қўювчилар ортса ортмоқдаки, ҳеч камаймаяпти. Бироқ ҳозирча буюртма қабул қилинмайди. Чунки лойиҳа яна ўн йилдан кейингина амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

МАКТУБЛАР МАМЛАКАТИ

Буюк Британия — мактублар мамлакати. Қалам қиртиллатишга ва миллий анъаналарни кўз қорачиғидек сақлашга одатланиб қолган инглизларни даҳшатли бир хабар чинакамига довдиратиб қўйди. Маълум бўлишича, 350 йилдан бери Буюк Британия қироллари ва кироличалари номидан фаолият кўрсатиб келган «Роял мейл» деган давлат почта хизмати тизими кимошди савдосида сотилиб хусусий мулкка айланадиган бўлди.

Жаноб Жон Мейжор ҳукумати ўтган йилнинг иккинчи ярмида ушбу таклифни илгари сурган эди ва ниҳоят, киролича Елизавета иккинчининг розилиги олинди. «Буюк Британия тожининг гавҳари» саналган бу маҳкаманинг хусусийлаштирилиши сабабларини ҳеч ким аниқ шарҳлаб бера олмаяпти. Ваҳоланки, бу маҳкама сўнгги 16 йил мобайнида мунтазам фойда келтирар эди. Биргина 1992 йилда 5,1 миллиард фунт стерлинг маблағга эга бўлган ушбу маҳкама 152 миллион фунт фойда келтирди. Мутлақ ҳокимларнинг кўпгина бойликларини ямлаб улгурган ҳукуматнинг иддаоси содда: сўнгги йил давомида анча енгиллашиб қолган хазинага 1,5—2 миллиард фунт келиб тушишини истаётир. Ҳолбуки, бадавлат одамлар мушкул молиявий шароитда ночор қолишаркан хазинадаги бисотларини сотиш удумигагина риоя қиладилар. Ҳатто, 80-йилларда хусусийлаштиришнинг ашаддий тарафдори бўлган Маргарет Тэтчер хоним ҳам подшолик шаънига тил тегизишни эп кўрмаган эди.

Гарчанд, давлат почта хизматини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси мамлакат парламентида келаси йилнинг кузида муҳокама қилинса-да, хусусий сармоя учун эшиклар 1996 йилдан эътиборан очиладиган бўлди. Буни эшитган филателистлар оғир қайғуга ботдилар. Уларнинг афсус-надомати бежиз эмас: «Роял мейл» ҳар бир юборилган мактуб учун оладиган хизмат ҳақи бир фунт стерлингдан 75 ёки 50 пенсгача камайтириладиган бўлди. Бу тадбир аввало почта хизмати тизимида яккаҳокимликка чек қўяди, шунингдек, белгиланган нархдан қиммат турадиган маркаларқиролларигина фойдалана олар эди, қирол Карл биринчи дан қироличанинг суврати олиб ташланадиган бўлди.

Дастлабки пайтларда почта хизматидан Буюк Британия эса 1635 йилдан бошлаб кенг жамоатчиликнинг ундан фойдаланишига рухсат берган эди. Бутун дунёга машҳур ёпишқоқ «Пенни блюк» маркаси пайдо бўлган 1840 йилдан бошлаб эса Буюк Британияда қирол ёхуд қиролича суврати туширилган марка ёпиштирилган мактубларгина қабул қилинадиган бўлди. Мамлакатда қирол суврати туширилмаган марка, нечоғли бадиий қимматга эга бўлмасин, марка ҳисобланмас эди. Ўшандан бери Буюк Британия ер юзидаги почта маркасига мамлакат номи ёзилмаган ягона давлат ҳисобланар эди. Хуллас, яқин йиллар ичида бу удум ҳар орадан кўтариладиган бўлди.

(ЎзА).



ИСПАНИЯ. Кўҳна Толедо шаҳри кўчаларида сайёҳлар учун кўплаб эсдалик совғалари сотилади.

Р. ЖАББОРОВ суврати.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

«САН-ДИЕГО юнион трибюн» рўзномаси «яхшигина хабардор манбаларга» таянаркан, Америқо Қўшма Штатлари ҳарбий-денгиз кучлари 1999 йилда хизматчилар миқдорини 125 мингга қисқартиради ва 140 кема жанговар соқчиликдан чақириб олинади, деб хабар қилади. Бу тадбир АҚШ ҳарбий маҳкамаларининг Галдаги олти йилга мўлжалланган бюджет режалари асосида амалга ошириладиган бўлди. Натижада Америқо ҳарбий денгиз кучлари 1999 йилда 375 минг хизматчидан иборат бўлади. Уларнинг ихтиёрида 320 ҳарбий кема, жумладан, 12 учоқбар кема (авианосец) қолдирилади.

МАҲАЛЛИЙ ҚИЗЛАРГА УЙЛАНИНГ, ЁРДАМ ПУЛИ ОЛАСИЗ

Бирлашган Араб Амирликлари Вазирлар Кенгаши мамлакатнинг туб аҳолиси ўртасидаги никоҳларни рағбатлантириш мақсадида давлат «Никоҳ жамғармаси» тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишига қараганда, меҳнат ва жамоат ишлари вазири Сайф ал-Жарвон раҳбарлик қиладиган ушбу жамғарма 13 миллион доллардан ортиқ хазинага эгадир.

18 ёшдан ўтиб биринчи марта уйланаётган барча камдаромад маҳаллий йигитлар янги маҳкамадан кўмак пули олиш ҳуқуқига ноил саналадилар. 16—19 минг доллар кўмак пули олиш учун эса фақат маҳаллий миллатга мансуб қизларгагина уйланиш керак. Жамғармани тузишдан асосий мақсад амирлик фуқароларининг ажнабийларга камроқ уйланишига эришишдир. Четдан бориб амирлик қизларига уйланган йигитларга қандай ёрдам бериш масаласи эса ҳал қилинмаган. Афсус!

ҲАЙВОН ВА ҚУШЛАР УЧУН «ТЕЗ ЁРДАМ»

Грецияда ҳайвонларга ва қушларга дастлабки «тез ёрдам» станцияси пайдо бўлди. «Атенз ньюс» рўзномасининг хабар қилишича, мамлакат шимоли-шарқидаги Эврос шаҳарчаси маъмурияти шу тўғрида кўрсатма берган. Станцияда ярадор ва бемор жониворларга шошилинч тиббий ёрдам берувчи биологлар, молдўхтирлар, паррандашунослар ва бошқа касбдаги мутахассислар ишлайдиган бўлди. Маълумки, Эврос Оврупо қитъасида табиати бузилмаган ҳудудлардан саналади. Бу маконда аллақачон қирилиб кетган ва камайиб қолган ҳайвонлар ва қушларнинг нодир турлари ҳам учрайди. Рўзноманинг шаҳодат беришича, эшакни мина-мина белини яғир қилиб ташлаган шўх грек болалари янги касалхонага мурожаат қилган илк шикоятчи бўлдилар. Яқин йиллар ичида яғиршунослик ҳам шаклланса ажаб эмас!

У СИЗНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАНГИЗ...

(Боши 1-бетда).

— Эшитишимча, яккамаякка гаплашибсизлар?

— Ҳа. Биринчи марта Президент билан яккамаякка суҳбатлашдим. Горбачев, Ельцин, Кравчук, Шушкевич, Назарбоев, Элчибейлар билан ҳам гаплашганман. Ё уларнинг матбуот котиблари, ё бизнинг ўша жойдаги мухбиримиз ҳамроҳ бўларди.

— Бунга сиз қандай қабул қилдингиз?

— Каримов ўта мустақил шахсдир. Умуман биров билан суҳбатлашиш учун аввало кишида маълум ички тайёргарлик бўлиши керак. Ана шундайлар бемалол ҳеч кимнинг қўмагисиз меҳмонни қабул қилаверадилар... Яна бир жиҳати раҳбарингиз эски, синовдан ўтган қолипларни хушламаслигидан ҳам бўлса керак.

— Учрашувнинг амалий тарзда ўтгани энди «Комсомольская правда» Ўзбекистонда ҳам чиқади, деб таҳмин қилишга асос бўла оладими?

— Ҳа. Тез кунда газетамиз яна Ўзбекистоннинг ўқувчилари қўлига тегишидан мамнунман.

— Ҳозир у яна қаерларда чиқмаяпти?

— Ўзбекистондан ташқари барча республикаларда чиқади. Ҳатто Болтиқ бўйида ҳам. 30 жойда мухбирлар постимиз ишлаб турибди, яқинда бу ерда ҳам очамиз.

— Ҳозирги пайтда журналистнинг ярим кучини олаётган обуна масаласида аҳвол қандай?

— Биласиз, бундан бирнкки йил олдин дунёдаги энг катта обуначи бизда эди. Ҳозир ҳам чакки эмас. Обуначиларимиз 2 миллион, шанба кунлари эса уларга яна 2 миллион ўқувчи қўшилади.

— Тушунмадим...

— Ҳозир, Маълумки, обуна ҳам фалон пул. Ҳамма ёзила олмайди. Шунинг учун имкони йўқлар фақат шанба сонларига ёзилишлари мумкин. Анча пул тежалади-да. Шанба сонида аввало ўтган сонларнинг қисқача шарҳини берамиз. Кейин у олти саҳифадан иборат. Иложи борича қизиқарлироқ қиламиз. Шу ўринда айтиб ўтиб кетай. Ўзбекистонда ҳам йилнинг иккинчи ярми учун обуна очамиз. (Ҳозирча газетамиз фақат сотувда бўлади.) Мисол учун ярим йилга обуна баҳоси 600 сўм бўлса, шанба сони обунаси 120 сўм бўлади. (Бу ҳақда яна алоҳида маълумот берамиз.)

— Яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Қайта қуриш ва ошкоралик туфайли, кейинроқ эса иттифоқ тугатилиб, мустақиллик пайдо бўлгач, номини ўзгартирмаган мактаб, шаҳару, газета қолмади. Комсомол ҳам тарих мулкига айланди. Лекин «Комсомольская правда» қолди. Бу нимани нинг далолати?

— Аввалом бор мен бирваракай ҳамма нарсадан воз кечиш тарафдори эмасман. Ном ўзгаргани билан моҳият ўзгариши рўй бермаяпти-ку. Мисол учун Ленинград Санкт-Петербург бўлди. Лекин шаҳарда нон учун ўша-ўша узундан-узун навбат. Газетага келсак, бир неча авлод кишилари уни ўқиб келишган. Одамлар унга ўрганган, кўнгил қўйган. Номни ўзгартириш, қайсидир маънода ўқувчини йўқотиш демакдир. Аксинча, биз шаклни эмас, мазмунни, сифатни ўзгартиришга интиламиз. Худди шундай, биз газетамизнинг орденларидан ҳам воз кечмаймиз. Шуниси аҳамиятлики, Ленин орденининг биринчи номерлиси «Комсомольская правда»га берилган. Тўғри, ҳозир бу билан мақтаниб бўлмайди, лекин у тарих, бизнинг тарихимиз, халқ тарихи. Тарихдан эса воз кечиб бўлмайди. Ҳатто ном ўзгарганда ҳам...

— Энди икки оғиз молиявий аҳволинглар тўғрисида. Чунки биз журналистлар бир-биримиз билан сўрашганда аввал соғлиқдан эмас, газетанинг аҳволи қалай, яна қанчага чидайсизлар деб сўрайдиган бўлиб қолдик.

— Ҳа, бу муаммолар бизда ҳам бор. Лекин амаллаяпмиз. Тижорат ишларини олиб боришда маълум имтиёзлар берилган. Қолаверса, бизда ҳукумат газеталарга жиддий эътибор беради. Чунки бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай газета у қанчалик ўқимишли бўлмасин, ҳукумат мададисиз ўзини эплолмайди. Ўтган йили Президент Ельцин «Комсомольская правда»га 800 миллион сўм пул берган. Бу йил ҳам шундай ёрдам берилади. Ҳозир ҳомаки ҳисоб-китоблар бўлаяпти.

— Ҳозир газета кимники? Илгари комсомолники бўлиб, ёшлар газетаси саналарди.

— Тушундим. Аввало шуни айтай, газета Россия учунгина мўлжалланган эмас. У собиқ Иттифоқда яшовчи соф ниятли кишиларники, «Комсомольская правда» рус тилида чиқувчи миллатлараро мустақил газета. У фақат ёшлар учунгина мўлжалланмаган. У оилавий газета. Демак, у сизнинг ҳам газетангиздир, ўзбекистонлик дўстлар.

А. АҲМЕДОВ суҳбатлашди.

Ўзимизда тўқиладиган гиламинг ҳам нархи осмон баравар бўлиб қолди. Унчабунча одам сотиб ололмайди уни. Нега шундай? Чунки, маҳсулот — яъни гилам кам. Талабгор кўп. Демак нархи баланд бўлиши табиий ҳол. Унинг арзонлашуви эса кўпроқ ва сифатли гиламлар тўқилишига боғлиқ.

Ана шу ҳақиқатни ўз вақтида илғаган Бухоро вилоятидаги «Соҳибкор» давлат хўжалиги раҳбарлари гилам тўқиш цехи очгандилар. Натижа ёмон эмас. Ҳозирча ойига иккитадан гилам тўқилмоқда. Келажакда цехни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

СУРАТДА: цехнинг илғор ип йигирувчиси Азиза Тошевани кўриб турибсиз.

Р. АКБАРАЛИЕВ суратн.

Алишер Навойи таваллудининг 552 йиллигига

ИККИ РИВОЯТ

БУЛАР халқ ривоятлари. Ҳали-ҳали ҳар хил адабий давраларда, кексаларнинг гурунларида айтилиб келинади. Ҳазратнинг пок руҳлари шод қилинади. Биз эса уларнинг кўпларидан бехабармиз ҳам. Эшитиб кўпам эътибор бермаймиз. Неча асрлар ўтибдики, бундай ривоятларнинг эл-улус орасида сақланиб, тилдан-тилга кўчиб юриши буюк бобомизга халқимизнинг катта эҳтиромидир.

Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган икки ривоят (ҳикоя)ни ТошДД доценти Нурилла АҲМАД тайёрлаган.

Она сути

Мир Алишер Навойи ҳазратлари қўшни мамлакатлардан бирида саёҳатда юрган аввал ўғил кўриб эдим. Уни подшоҳ одамларига қанча сездирмасликка ҳаракат қилдим. Лекин билиб қолишди. Айғоқчилари етказибди. Кеча айтиб кетишдим: «Эртага ўғлинг ўн бешга тўлади, тайёрланиб турсин, олиб кетамиз», — деб. Ёлғиз нури дийдамнинг куни битди. Мен йиғламай, ким йиғласин?.. Яна бир ёшли ўғлим ҳам бор...

Ҳазрат отларидан тушиб онанинг хароба ҳовлисига қадам ранжида қилибди. Ўғлини чақириб тайинлабди: «Бугун онанг ўз сутидан хамир қориб, кулча ёпиб берсин. Ўлиминг олдидан сўнгги ўтинчинг не деб сўрасалар, кулчамдан подшоҳим бир тишлам еб кўрсалар... дейсан.

Тонг отибди. Ясовуллар етиб келишиб йигитчани саройга олиб кетишибди. Онаизор бўлса йиғлаб-йиғлаб қолаверибди. Подшоҳ сўзи амри вожиб. Навбат ўша болага етибди. Мулозимлар сўрабдилар: «Сўнгги илтимосинг недур?» Ў қалтирабқалтираб айтибди. «Подшоҳи оламни бир кўрсам. Атагавақтларида бир кўримсизгина кулбанинг дарвозаси ёнида юм-юм йиғлаб ўтирган муштипар аёлга кўзи тушибди. Ҳасратда ёниб турган онадан:

— Нечун йиғлайдурсиз? Ғамингиз боиси недур, айтинг?, — деб сўрабди.

— Э, нимасини сўрайсиз, подшоҳимизнинг бир ёмон одатлари бор. Айтсам даҳшатга тушиб кетасиз.

— Қани, эшитайлик-чи?

— Ул зот ўзлари таваллуд кўрган кунда туғилган чақалоқ ўн беш ёшга тўлди деган кун уни ўлдиртириб юборадилар. Мен ҳам бундан бир кун кам ўн беш йил ҳам еб кўрибди. Шунда... Бирдан бошқача бир таъмни туйибди. Ҳали эсини таниганидан бери бундай ширин таомни емаганини айтибди. Ва кўнглида ғалати бир туйғу уйғонибди. Ниҳоят боланинг ўзидан сўрабди:

— Кулчани нимадан тайёрлаб келдинг?

У йиғлаб юборибди. Ва:

— Онамнинг сутидан... дебди зўрға.

Бирдан олампаноҳнинг тунд юзлари ёришиб кетибди. Ясовулларига буюрибди:

— Болани ўлдирманглар. Саройга олиб боринглар. Бош-оёқ сарпо ёпилсин. Менинг кўзимни очди бу бола, — дебди ҳайратланиб.

Шу кундан эътиборан юқоридаги даҳшатли буйруғини бекор қилибди. Она бўлса бу хабарни эшитиб, ана шу маслаҳатни берган юз-кўзларидан нур ёғилиб турган одамни дуо қилибди.

«Навойи ўтди кўчангдан...»

АЛИШЕР билан Ҳусайн Бойқаро ёшликдан тепишиб катта бўлишган. Қалин дўстлар ҳам. Бирга ўйнаб юрганларида одамлар ҳазиллашиб юришаркан, «Ҳусайннинг ўжарлиги, қайсарлигидан султонликка иштиёқи, Алишернинг ўйчанлиги-мулоҳазали гапларидан шоирликка ҳаваси бор» деб юришарди. Шундай бўлди ҳам. Ҳусайн Бойқаро жангу-жадаллар билан тахтга чиқди. Алишер эса не-не заҳматлар чекиб катта шоир бўлиб танилди.

Навойи Машҳад ва Самарқанд таҳсилларидан қайтиб келган кун халқ шодухуррамлик билан кутиб олибди. Лекин султон уни кутиб олмоққа чиқмапти... «Юмушлари кўп бўлса, яхшиси, ўзим ҳузурига бориб келай» деб суюкли маъшуқаси Гули бирлан саройга йўл олибди. Аммо у йўқлигида султон шаҳарнинг ўртасида катта бир боғ барпо эттириб, унга туташ кўчалардан ўтган одамларни жазолашидан бехабар эдилар. Қоровуллар иккаласини тутиб олиб тўғри саройга олиб борибдилар. Ҳусайн Бойқаро Алишерни танибди-ю, ўзи чиқариб қўйган фармонига қарши борса эл-улус, қолаверса, аъёнлари олдида бебурд бўлиб қолишдан чўчиб, охири:

— Ҳой Алишер, «Боғ кўчадан» юриб гуноҳкор бўлибсизлар. Мен сизларни энди жазолашга мажбурман. Лекин битта саволимга тўғри жавоб берсанглар ҳар икковларингизнинг ҳам гуноҳингиздан ўтаман. Бир сўз дегилки, унда маъшуқангнинг исми ва не сабабдин боғ кўчага кирганларинг англашилсин. Жавобларинг аввало менга, сўнг аъёнларимга манзур бўлсун. Навойи бир лаҳза ўйланиб турибди-да, ушбу байтни айтибди:

Навойи ўтди кўчангдан пиёда ёри билан,
Киши балоға қолурми ўз ихтиёри билан.

Боғбонни дўст дебон келдим Кўча боғи билан,
Авф этсалар, кетгумдир Гули — ёрим билан.

Ҳусайн Бойқаро қўлини кўксига қўйиб:

— Минг бор узр дўстим, гуноҳингиздан ўтдим, — деб Алишер Навойини маҳкам қучоқлаб олибди.

ОИЛА ВА МАКТАБ

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий танглик рўй берганда давлат бошлиқлари катта маблағни, эътиборни оилани мустаҳкамлашга, мактаб моддий заминини бойитишга сафарбар этганлар. Америқо Қўшма Штатлари, Япония каби мамлакатларда ютуқлар шу асосда қўлга киритилгани маълум.

Японияда болалар оила муносабатларига 6 ёшдан ўрғатила бошлайди. 9-синфни битирган йигит-қиз оила иноқлиги, бир-бирини ўзаро тушуниш, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш ва бартараф қилишнинг уддасидан чиқади. Японияда мактаб ўқувчилари ота-онасининг жанжалини умуман кўрмайди. Натижада асаб ҳужайралари ўлмайди. Мавжуд куч-қувват мактаб дастуридаги материалларни ўзлаштиришга сарф қилинади. Узоқ умр кўриш ҳам бевосита шу жараён билан боғланган.

Собиқ Совет давлатида оила ва оила муносабатлари соҳасида давлат дастури йўқ эди. Шу сабабли иқтисодий, маънавий, ахлоқий соҳаларда фожиалар юз берди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, собиқ Иттифоқда 75 миллион оила бўлиб, шундан 4 миллион оила парчаланган — эр-хотин юз кўрмас бўлиб қолган. Уларнинг болалари ё отанинг, ё онанинг тарбиясини ола олмайди. 5 миллионга яқин оиладаги эр-хотин расмий равишда яшайди. 50 фоиз оилада ҳар хил даражадаги жанжал мавжуд.

Афсуски, ўзбек оиласи ҳам ана шундай инқирозни бошидан кечирмоқда. Ўзбекистонда ҳам оиланинг парчаланиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида ҳар 100 никоҳдан 30 га яқини, Тошкент вилояти Зангиота районида ҳар 100 никоҳдан 25 таси, Наманган вилояти Тўрақўрғон ноҳиясида ҳар 100 никоҳдан 15 таси ажралиб кетаяпти. Молдова, Москвадаги оилаларнинг парчаланиши билан Ўзбекистондаги оилаларнинг парчаланиш оқибатлари ўртасида фарқ катта.

Россия ва Болтиқ бўйи минтақаларидаги оилаларнинг кўпчилиги фарзанд кўрмасдан ёки битта болалик бўлганда ажралади. Ўзбекистонда эса 7 та фарзанд кўрганда ҳам ажралиб кетиш ҳоллари мавжуд. Улар фарзандларининг кўпчилиги мактаб ёшидаги болалардир.

Олиб борилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, болалар ота-оналарининг ажралгани туфайли кўп ғам чекадилар. Бу ташвиш ва ғам боланинг мактабда ўқишига халақит беради, асаблари лат ейди. Бола касалга тез чалинувчан бўлиб, мактаб дастури материалларини ўзлаштиришга кучи етмай қолади. Бундай ўқувчилар ўқитувчидан дакки эшитишади.

Оилада доим жанжал бўлиб турса, болаларга айниқса мактаб ёшидаги фарзандларга оғир бўлади. Эрталаб ота-онасининг «сан-манга» бориб турганлигини эшитиб, мактабга кетган бола, куни билан дарсга қулоқ солмай ўтирар экан. Ҳаёлидан ота-онам бақиришиб қолмадимикан, қўшниларнинг болалари «ота-онанг яна бақиришди» деса, нима қиламан, деган фикрлар ўтар экан. Тажрибали ўқитувчи ўқувчининг хаёли бошқа жойдалигини сезиб: «Фалончи, мен ҳозир нима дедим, такрорла» деган талабни қўяди. Ҳаёли ота-онасида бўлган ўқувчи ўқитувчи талабини бажара олмайди. Муаллим талабани, унинг ота-онасини сўкиб кетади. Устига-устак «2» баҳо қўяди. Ўқувчи энди ўзининг аҳволи ҳақида хулоса чиқаради. Мен бу дунёга бекор келибман, мен ортиқчаман, деган ҳаёлга боради. Ўқувчи тушкунликка тушади, пассивлашади. Ота-она жанжалига гувоҳ бўлган бола — ўқувчи кечаси ёмон ухлайди, натижада асаб ҳужайралари ўлади. Улар эса кам тикланади ёки умуман тикланмайди.

Ўқувчига нисбатан зўравонлик ишлатилса, сўраб ўрганмайдиган бўлиб қолади. Мактабларда савол берадиган болаларнинг сони камайиб боришидан оила ҳам, мактаб ҳам ташвишга тушмоғи лозим. Инсон дунёни қанчалик чуқур билса, ўзлигини шунча яхши англайди. Бунинг жамият учун ҳам, шахс учун ҳам аҳамияти катта. Фарзандларимиз билимсиз бўлиб қолаверса, уларнинг бугунги кун қийинчиликларидан қутулиши шунча мураккаблашади. Ёшларда билимга ташналик сўнса, у инсонийликдан маҳрум бўлади.

Минг афсуски, билимга интилишнинг сўнишини биз бечора ўқувчиларнинг бошидан излаймиз. Маориф масалалари билан илм, фалсафа асосида шуғулланадиган жойларда билимсизликнинг барча сабабларини ҳаётнинг, жамиятнинг ўзидан излашарди. Оиланинг аҳволи қандай бўлса, мактабнинг аҳволи ҳам худди шундай бўлади. Мустаҳкам оилага эга бўлган жамиятда мактаб нон каби азиздир. Бундай мактабда ўқиш жўшқин ҳаёт, оила ва демак жамият эҳтиёжлари билан боғланди.

Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантирадиган устахона бўлмоғи учун уни ҳар томонлама етук, зийрак тарбиячилар билан таъминламоқ керак. Бу соҳадаги изланишлардан бири тест ёрдамида қабул ўтказишдир. Шу билан изланиш жараёнида бўлғуси ўқитувчиларга ҳаво, сув ва қуёшдек зарур бўлган устанинг шахсий ҳаётини ижобий тушунчалар билан тўлдирадиган «Оила этикаси ва психологияси» ўқув курсларини педагогика олий ўқув юртлари ва мактабдан олиб ташланишини қандай тушунмоқ лозим?

Тўғри, педагогика институтлари ҳамда мактабларда мазкур курслар қониқарсиз ўқитиларди. Бу ўринда мактабнинг ҳам, курсларнинг ҳам айби йўқ. Зарур моддий ва маънавий замин ҳозирланмай туриб курслар ўқитилиши жорий қилинган эди. 5—7 йил ичида маълум даражада замин пайдо бўлиб, кадрлар тайёрлашга киришилганда курслар бекор қилинди.

Ҳали баъзи идоралар советчасига ишлаётганидек, Халқ таълими вазирлиги ҳам бир қанча масалаларда ўзини яккa ҳоким деб қараб иш қилмоқда. Халқ маорифи тизимида ўқитилаётган предметларнинг зарурлигига қараб эмас, шу курслар эгаларининг лавозимларига қараб тақдири ҳал этилмоқда. Жамиятда этика, «Одобнома»га эҳтиёж беқиёс даражада ўсди, аммо вазирлик педагогика институтларида этика ўқитиш соатларини қисқартириб ундан бўладиган имтиҳонларни бекор қилган.

Педагогика институтларида «Одобнома»ни ўқитиш назарий ва амалий жиҳатдан узоқ ҳаёт синовларидан ўтган услуб ва миллий материаллар тўпланганда, шундай йўл тутилмоқда. Бу масалаларда мавқемиз баланд, деб мақтана олмаймиз. Лекин оила ва мактаб алоқаси илмий асосланган даражага кўтарилиши шарт эканлиги сезилиб қолди. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги томонидан айрим педагогика институтларида, жумладан Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида мактаблар, жамоа хўжаликлари, йирик корхоналар, маҳалла ва қишлоқлар учун оила ва оила муносабатлари билан шуғулланадиган мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмоғи лозим. Бунинг учун Ўзбекистонда педагогик кадрлар етарли шаклланмоқда. Оила педагогикаси, оила руҳияти муаммолари бўйича олий малакали кадрлар бор. Аспирантлар оила масалалари бўйича тадқиқот олиб боришаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оила ва мактаб алоқаси муаммолари билан фақат педагогика институтлари шуғулланмасдан, университетлар, халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайдиган олийгоҳлар ҳамда малака ошириш институтлари ҳам қизиқиши лозим. Республика маданият ходимлари малакасини ошириш институтида «Оила муносабатлари маданияти» курси ўқитилади. Бундан тингловчилар беҳад мамнун.

Мустақил яшаган бир йилимиз ўн йиллаб қилган хато ва камчиликларимизни бартараф этиш йўлларини белгилаб берди. Мустақил яшаш тажрибаси кўп жиҳатдан раҳбарга ҳам боғлиқлигини кўрсатди. Тажриба муносиб раҳбарга тан бериш билан бирга халқдан устун турадиган доҳий ва раҳбар йўқлигини исботлади. Буни раҳбар ҳам тан олиши керак.

Оилани мустаҳкамлашга бутун жамият, дин, яхши ниятли кишилар саъй-ҳаракати бошланган экан, улар фаолиятини бошқарадиган ташкилотнинг бўлиши табиий ҳолдир. Айрим матбуот саҳифаларида оила, оила муносабатларини акс эттирадиган материаллар берилмоқда. Ўзбекистон радиоси шу мавзуга бағишлаб журнал ташкил этган, махсус газета чиқмоқда. Ойнаи жаҳон орқали ҳам «Оила» кўрсатувлари намойиш қилинмоқда. Лекин аксарият материалларда оила мавзуси юзаки талқин қилинган бўлиб, муаллифлар ўз фикр доиралари билан чегараланишган, холос. Уларда илмий хулосалар, методик тавсиялар, социологик тадқиқот якунлари кам. Оилани қувватлаш илмий асосланса, айни муддао бўларди.

Сафар УТАНОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти одобнома кафедрасининг мудири.

Ички ишлар вазирлиги хабар қилади:

«БОЗИРГОН»ДАН КЕЧИШДИ

Мухлислар «Гўрўғли ва Бозиргон» халқ достонини билишар. Туркийларнинг бу икки машҳур бобокалони ҳақдаги достон қўшиқлари Хоразмда кўп машҳур. Шу боисми, «Туямўйингидрострой» тресті маъмурияти шу номдаги сув омбори бўйида дам олиш сиҳатгоҳи барпо қилган, уни жуда баҳаво масканга айлантиришганди. Бу ерда санаторийдан ташқари ўқувчиларнинг дам олиш манзилгоҳлари ҳам ташкил қилинганди. Шифобахш сув ва қулай шароитдан минглаб кишилар ўз соғликларини мустаҳкамлашган бўлсалар не ажаб.

Санаторий ташкил қилингандан буён трестнинг фахри бўлиб келди. Ахир қайси ташкилот ўз ихтиёрида шундай маскан бўлишини истамайди? Аммо, шундай замон келдики, энди илкимизда бўлмиш моддий неъматдан воз кечишгача бориб етдик. Сабаби — иқтисодий қийинчилик. Трест эндиликда бу дам олиш комплексини моддий таъминлашга ожизлик қилиб қолди. Чунки, қачонлардир Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши аталиб, катта маблағ ажратилган, имтиёзлари чекланмаган бу ташкилот ҳозирда зўрға тирикчилигини ўтказиб турибди. Катта миқдордаги қурувчиларни мунтазам иш билан таъминлашнинг иложи йўқ. Олдинлар вилоятнинг бошқа туманларидаги катта қурилишларни барпо қилишда ўзаро ёрдам беришарди. Ҳозир ҳар бир тумандаги қурилиш ташкилотларининг ўзлари иш тополмай сарсонлар. Маблағ йўқ, қурилиш материаллари тақчил. Кўпчилик қурилиш идоралари яхшиям қўшни Туркманистон давлатининг вилоятларида шартнома асосида ишлашмоқда.

Дам олиш маскани ва даволаш комплексини маблағ билан таъминлай олмаслигига аниқ кўзлари етган трест раҳбарлари «Бозиргон»дан воз кечишди...

Дарвоқе, санаторий эгасиз қолмади. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши бу жойни ўз қарамоғига олди.

(Ўз мухбиримиз).

Шу йилнинг 20-январь куни Қўқон шаҳридаги муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳи ўқитувчисининг 11 ёшли ўғли ўғирлаб кетилди. Таъмагирлар боланинг отасидан 50 минг сўм пул талаб қилишди. Кўрилган чора-тадбирлардан сўнг «пул топар»лар қўлга олинди. Улар 1973 йилда туғилган марғилонлик С. ва тошкентлик З.лар экан. 11 ёшли бола ота-онасининг бағрига қайтди. Тергов ишлари давом этмоқда.

* * *

24 январь соат 10.30 Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 1945 йил туғилган Чергоножкин маст ҳолатда «ТОЗ-32» маркали милтиқдан хотинига ўқ узиб уни ўлдирди. Жиноятчи ушланиб, қурол тортиб олинди.

* * *

4 февраль соат 10 дан 30 дақиқа ўтганида 2 номаълум шахс Юнусобод мавзеси почтачиларидан бирининг ичида нафақахўрлар учун ажратилган 88 минг сўм пул ва 30 минг сўмлик купонлари бўлган сумкасини олиб қочган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида шу жиноятни содир этганлар Чилонзор даҳасида яшовчи, 1976 йил туғилган (балоғат ёшига етмаган) И. ва шу даҳада яшовчи 2 гуруҳ ногирони 1972 йил туғилган Г.лар аниқланиб ушланди.

* * *

Сирдарё туман ва шаҳар Ички ишлар бўлими оператив ходимлари томонидан бош кишидан иборат жиноятчилар қўлга олинди. Улар машина ўғирлаб, эгаларига пуллаш билан шуғулланиб келишаётган экан. 26 декабрь куни Сирдарё бўйида турган енгил автомашина ҳам шу гуруҳ иштирокчилари томонидан ўғирлаб кетилди. Кейин эса, «ВОЛГА» эгасидан 300 минг сўм пул талаб қилишди. Бироқ «ўлжа» уларга насиб этмади. Оператив ходимлар таъмагирларни жиноят устида қўлга олдилар. Текинхўрларни яшаш жойлари тинтув қилинганда, гиёҳванд моддалар ҳам топилди.

* * *

Чиноз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Чумчуқкўл маҳалласида бирин-кетин мол йўқола бошлади. Бу ҳақда хабардор бўлган ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Ботир Зуҳуров жиноят қидирув бўлинмаси ходимларига бу иш билан шуғулланиш вазифасини топширди. Орадан кўп ўтмай, мол ўғриси ҳам қўлга олинди. Буни қарангки, бу Темирхон исмли кимса ўша маҳаллада яшаб, қўшниларини қақшатиб юрган экан. У ҳатто 60 ёшли 2-гуруҳ ногирони бўлган маҳалладошининг 25 минг сўмлик молини ўғирлашдан ҳам ҳазар қилмади. Темирхон молларни уйида сўйиб, гўштини сомсапаз ва қабобпаз каби ҳамтовоқларига пуллаган, ҳамда ўз эҳтиёжи учун ишлатган. Ҳа, текин тешиб чиқди...

Анвар ҲАКИМОВ,
Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

КЕЧА ЭРТАГА БУГУН

● **БИШКЕК - МОСКВА поезддаги йўловчилар битларга ем бўлмоқдалар. Бу жониворларнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, поездлардаги чойшабларнинг тутилавериб увадаси чиқиб кетганидир. «Мегаполис — экспресс» газетасининг хабар беришича, маҳаллий темир йўл бошқармаси молиявий жиҳатдан шу қадар ночор бўлиб қолибдики, ҳатто янги чойшабёстиқжилд сотиб олишга ҳам қурби етмас экан. Энди бу масала билан шахсан Қирғизистон ҳукумати шуғулланмоқчи эмиш...**

● **РОССИЯ Президентининг ҳарбий саноат масалалари бўйича маслаҳатчиси Михаил Малей Америқода чиқадиган «Крисчен сайенс монитор» газетаси мухбири билан суҳбатда, ҳозирги қийин иқтисодий шароитда Россиянинг хорижга қурол-яроғ сотмасдан иложи йўқ, деди.**

Президент маслаҳатчисининг фикрича, собиқ СССР 1990 йилда хорижга 14 миллиард долларлик қурол сотган. Гарчи Россия кўпгина «эски» харидорларидан қуруқ қолган бўлса-да, Москва бу соҳада тўпланган тажрибани елга совурмоқчи эмас.

— Бу йилги қиш қаттиқ келди, — деди М. Малей, — баҳорда нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Бордию-ю битта боланинг ҳаётини қутқариш учун, ҳатто, Ливия саркори Муаммар Каддафийга тўп сотишга тўғри келса, биз буни қилган бўлардик.

● **КЕЧАДАН бошлаб Туркманистонда ҳам озиқ-овқатларнинг нарх-навоси ошди. Эндиликда давлат дўконида бир кило гўшт 120 сўм, сарнёғ 150 сўм, пахта ёғи 20 сўм туради. Бу мустақил ҳамдўстлик давлатлари орасидаги энг арзон кўрсаткичлардан биридир.**

● **ВОЛОГДО вилоятн ҳокими Н. Подгорнов ибратли иш қилди. У болалари боғчага қатнамайдиган оилаларнинг аёллари учун ёрдам пули бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорга биноан ҳар бир болага ҳар ойда 5 минг сўмдан ёрдам пули бериладиган бўлди.**

Давлат боғча орқали эмас, тўғридан-тўғри оилага ёрдам берса, қандай яхши. Бошқалар ҳам ўрнак олса бўладиган тадбир.

● **ТАНИҚЛИ рус адиби Юлиан Семёновни яхши биласиз. Унинг замонавий, сиёсий жиҳатдан ўзига хос, мазмундор асарлари асосида тайёрланган кинофильмларни қизиқиш билан томоша қилгансиз. Аммо у кейинги икки-уч йил ичида кўринмай қолганлиги кўпчиликни ташвишга солди. «Аргументи и факти» ҳафтаномасининг хабаригa қараганда, Ю. Семёнов икки йил муқаддам икки марта инсультни бошидан кечирган. Шу сабабли яқинлари уни ҳар хил шовқинлардан ва сиёсатдан ҳозқроққа, яъни Москва яқинидаги дала ҳовлисига кўчириб ўтказишган. Мана икки йилдан ошдики, у Москвага келмаган. Ёзувчини Бурденко номли олий илмгоҳ шифокорлари даволашмоқда. Аммо энди унинг бирор-бир китоб ёзишига шубҳа билдиришмоқда.**

(ЎзА).

ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИГА ҚАРШИ

«Главташкентстрой» ва унинг буюртмачилари пул қадрсизланиб бораётган шароитда ўзаро мажбуриятларини қандай бажариш тўғрисида келишиб олдилар.

Иншоотларни қуришга буюртма берадиган вазирликлар, идоралар, корхоналар қурилишга ўз вақтида бўнак ўтказишлари лозим, «Главташкентстрой» тизимидаги пудратчилар эса иншоотни муддатида қуришлари керак. Бу шартларни бузувчилар учун қаттиқ иқтисодий жазо бериш кўзда тутилган.

Буюртмачи ҳам, пудратчи ҳам ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаришдан манфаатдор. Бу чора пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган — иншоот қанча тез қурилса, харажат шунча кам бўлади.

(ЎзА мухбири).

1. «ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ-ДА...»

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун амалиёти борасида қилган ишларимизга бир назар солайлик: РАЙОН сўзини аввало НОҲИЯ тарзида, сўнг ДЕПАРА шаклида, учинчи бор ТУМАН кўринишида ўзбекчалаштирдик. Оқибатда эса яна РАЙОН деб талқин этишни афзал билдик. Ёки АЭРОПОРТни тайёрагоҳ, учоқ, қўналга дея таржима этиб, яна илк шаклини маъқул топганимиз-чи?!. Бундан ташқари Совет, Республика, Транспорт каби ўнлаб сўзларни давлат тилига ўгиришдаги «кашфиёт»лар ҳақида гапирмай қўя қолай.

Бундан уч йилча аввал бир олимнамо киши: **«Проспект ўзбекчасига шоҳкўча бўлади»**, деб бизга маслаҳат берганди. Шунда мен ёшликми, илми саёзликми қилиб: «Домла унда переулок — гадокўча, шоссе — вазир кўча бўлар экан-да, а?» деб сўровдим.

Бошқа бир фан номзоди: **«Тупикни халта кўча ёки боши берк кўча»**, деб уқтирди. Ё, тавба, кўчанинг халта-ю, боши берк бўлишини сира тасаввур қилолмагандим. Тўғрида, боши берк бўлса, қаеридан кирилади.

Мен бу билан ҳеч кимга таъна қилмоқчи эмасман. Аммо...

Демоқчиманки, «Ўйнаб гапирсанг-да, ўйлаб гапир», дейди халқимиз. Энди мақсадга ўтай.

2. ШАҲРИМИЗДА НЕЧТА ҲОКИМ БОР?

АГАР шаҳар Ҳокимини ҳам кўшиб ҳисобласа, биргина пойтахтда ўн икки нафар ҳоким мавжуд. Тошкентнинг ўтмишида бу шаҳарни биргина Ҳоким идора қилган.

Биз «РАЙОН» сўзини истеъмолдан чиқариб ташлай олмадик. Нега? Чунки районга Ҳоким тайинланди. Агар РАЙОН сўзи ўрнига ноҳия ёки туман деб қўлласак, тарихдан шу вақтгача на туманда, на ноҳияда Ҳоким бўлмаган. Мадомики, шаҳар ва вилоят миқёсида Ҳоким сўзини қабул қилдикми, кейинги погона ҳисобланмиш БЕК атамасини ҳам истеъмолга киритиш керак эди. Ана шунда район беги, десак, район сўзи талаффузга ўтиришмай, туман сўзи ўз-ўзидан сўзлашувга кириб келар ва туман беги ҳам адабий, ҳам жонли тилга сингиб олар эди. Энг муҳими, бу тарихий қоидага ҳам айнан мос келарди.

Энди шу ўринда ҲОКИМ сўзининг ўрисча муқобилига аҳамият бersак. Ўзбек тили қоидаларига кўра урғу биринчи бўғинга тушган. Ўрис тили қоидасига биноан эса урғу иккинчи бўғин — «КИМ»га тушади. Ва ўз-ўзидан биринчи бўғиндаги «О» товуш «А» товушига кўчади. Энди ўқиймиз: «ХАКИМ». Бу ўринда ҲОКИМ (правитель, мэр) эмас, балки ҲАКИМ (лекарь) англашилмоқда. Хўш, нега биз шаҳар Ҳокимини таржимада МЭР ГОРОДА, дея олмаяпмиз? Лекин (талаффузда) ЛЕКАРЬ ГОРОДА дейишдан тоймаяпмиз ҳам.

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ:

а) Шаҳар раҳбари — Ҳоким деб юритилиб, таржимада «МЭР» атамаси; кенг маънода эса шаҳар Ҳокими маҳкамаси (аппарат мэра города) қабул қилинса;

б) Район сўзи ўрнига ўзбекчада ягона туман атамаси киритилиб, унинг раҳбари — БЕК деб юритилса, Сўзлашув ва ёзувда ТУМАН БЕГИ, кенг маънода ТУМАН БЕКЛИГИ дейилиб, ўрис тилида ШЕРИФ РАЙОНА бирикмаси қўлланилиши мумкин. Кенг маънода эса Туман беклиги маҳкамаси (аппарат Шерифа района) дейишни тавсия этардим.

Айримлар Шериф сўзи кўпроқ ҳуқуқий доирага оид деган эътирозга боришар. Лекин туман ҳудудидаги идоралар, шу жумладан ички ишлар, судлов, прокуратура ҳам туман раҳбарига бўйсунишини унутмаслик лозим.

Бир сўз билан айтганда, битта шаҳарга бир нафар Ҳоким кифоя. Туманларни эса БЕКлар бошқарсин!

3. «ТИЛШУНОС» ДУКОНДОРЛАР

ҲОЗИР қаёққа қараманг, тижорат дўконларию отасининг хунига тенг буюмга дуч келасиз. Аввало, тижорат нима? Қадимда ўз юртида йўқ нарсани четдан келтириб, халқнинг ҳоли-қудратига яраша нархда олди-сотти қилган кишилар — ТОЖИР (савдогар) деб юритилган. Касби юзасидан тижоратчи дейилган. Ҳозирги тижоратчи (воситачи) дўконлардаги учарлар эса ота-боболар номига, улуғ касб шаънига доғ тушириб, қаллоблик билан текин даромад топаётган чайқовчилардир. Лекин минг афсуски, ҳозир ундайлар кўп қаватли уйлар ертўлаларидан тортиб, зиё масканлари бўлмиш китоб савдо расталарини ҳам эгаллаб олмоқдалар. Яна таассуфлар бўлсинки, уларнинг товуғини «кишт», мушугини «пишт» дейдиган адолатпеша раҳбар топилмаяпти...

Бундай дўконларга қадам ранжида қилсангиз, пештоқу ойна, деворнгача лотин имлосида «ШОП», деб ёзиб ташланганлигига гувоҳ бўласиз. Ваҳоланки, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун талабига кўра ҳар қандай жой номи фақат давлат тилида ёзилиши шарт. Буларга ким «Туркестан», «Эвелина», «Лион» каби номларни қўйишга розилик биддириб, Қонунга зид равишда ёзишга рухсат бераётганлигини сўраб, тагига етиб бўлмайди. Лекин калаванинг учи туманлардаги раҳбарларда эканига заррача шубҳа йўқ.

Хулоса ўрнида эса, мустақиллигимиз, она тилимиз борасида қабул қилинган Қонунлар ҳақиқий кучига эга бўлиши тарафдори эканимизни, дунёни, юртни ҳар қандай офатдан ғўзаллик ва поклик қутқариб қолишини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Дилмурод САЙДОВ,
Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси Ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг масъул котиби.

Шахсий мулоҳаза

Туманни бек бошқарсин

Саломатлик клуби

ТРАКТОРСОЗЛАР УЧУН ШИФОХОНА

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари эндиликда Қуёшли даҳасида очилган янги тиббиёт-санитария қисмида саломатликларини тиклашлари мумкин. Уни қуриш ва жиҳозлаш учун ҳамма маблағни корхона ажратган.

Бинони тўртинчи махсус қурилиш трестига қарашли 126-механизациялашган кўчма колонна ходимлари барпо этдилар. Янги тиббиёт қисмида турли касалликларни даволаш мумкин. 250 ўринга мўлжалланган бинода жарроҳлик, терапия, неврология ва урология бўлимлари бор.

Заводнинг янги тиббиёт-санитария қисми яқин атрофдаги юз мингга яқин киши яшайдиган даҳалар аҳолисига ҳам тиббий ёрдам беради.

ДОРИ-ДАРМОНСИЗ МУОЛАЖА

«Андижон» нашриёти америқолик олим, тиббиёт доктори Н. Уокернинг «Хом сабзавот ва мева шарбатлари билан даволаш» деган китобини кўп нусхада нашр этди.

Китоб вилоятда жуда тез тарқалиб кетди. Чунки дорихоналарда ҳозир зарур дори-дармонларни топиш жуда қийин, бинобарин одамлар бу аҳволдан чиқиш йўлларини излашмоқда. Ана шундай йўллардан бири анъанавий халқ табобати, дори-дармонсиз даволаш усулларидир. Америқолик мутахассис — сабзавот ва мевалар шарбати билан даволашнинг асосчиси гўшт истеъмол қилмайдиган шифокор, соғлом парҳез тарафдори Н. Уокер ўз асарида шу ҳақда ҳикоя қилади.

(ЎзА мухбири).

Хотира

У қалбларга кулиб кирган эди



ВИЛОЯТЛАРАРО бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг яна қайта тикланган «Марҳабо талантлар» телевизион фестивалининг дастлабки яъни Қашқадарё вилоятига бағишланган кўрсатуви ойнаи жаҳонда намойиш этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Жумҳуриятимиз кулгисеварлари ана шу кўрикда қатнашган Ҳолиқназар қизиқчини яхши эслаб қолишди. Унинг ўзига хос санъати бутун зални, сўнг экранда намойиш этилгач, телетомошабинларни роса кулдирганди. Ҳозир давраларда унинг Қашқадарё қишлоқлари шевасида бажарган номерларини кўп эслашади, маза қилиб кулишади. Лекин улар бир нарсани билмайдилар. Нафақат телетомошабинлар, тўюбазмларда унинг санъатидан баҳраманд бўлганлар ҳам бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Балки тўй қилсам, шу йигитни албатта олиб келиб ҳамқишлоқларимни бир кулдираман деб юрганлар бордир орамизда.

Минг афсус, у энди сизни кулдира олмайди. У бу фоний дунёдан кетди. Шаҳарларимизда, қишлоқларимизда юз бераётган минглаб техника билан бўладиган бахтсиз ҳодисалардан бири унинг ҳаётига зомин бўлди.

Ҳолиқназар Нарзиев дунё фақат кулгудан иборат, деб ўйларди. У фақат ҳандон юрарди. Ҳали одамлар унинг гапларидан кулишидан, у билан ҳамсуҳбат бўлишдан толиқмаган экан, унинг чеҳраси кулиб турар эди.

...Ўша куни ҳам у кун бўйи одамлар орасида эди. Инсон жисми толиқиши табиий. Лекин унинг чеҳрасидан буни билиб бўлмасди. Шул боис шунча ижодий толиқиш, уйидаги қурилиш юмушларидан сўнг ҳам дўстларини машинада уй-уйига элтишга жазм этди. У бунга улгурди. Аммо ўзи улгуролмади...

33 ёшли йигитнинг ортидан ота-онаси, умр йўлдоши, 5 та гўдак бўзлаб йиғлаб қолдилар. Бунинг устига унинг орзулари кўп эди. Ундан мухлислар ҳам кўп нарсани кутишарди.

Ҳолиқназар Яккабоғда чўпон оиласида туғилганди. Бир чўпон оиласидан санъаткор чиқишига камдан-кам одам ишонади. Отаси Ғузор ота ҳатто Ҳолиқназар 1991 йил Тошкент театр ва рассомлик санъати олий билимгоҳини тугатиб қайтганида ҳам қизиқчилик ҳам бир иш, тирикчилик эканлигини тан олмади. Шу боис бўлса керак, отаси унга ўн-ўн беш майда мол бериб, «Мана шуларнинг изидан қолма», деганди ҳам. Бу моллар ризқунасиба бўлиб ҳовлида юраверди. Ахир ота тилаги. Лекин Ҳолиқназар қизиқчилик ҳам санъат эканлигини нафақат отасига, балки Яккабоғда, Қашқадарёда исботлади. У аввал туманда, сўнг вилоятда ўтказилган қизиқчилар баҳсида ғолиб бўлди. Республика қизиқчиларининг энг саралари иштирок этган танловда ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди. Ким билади, балки у ҳам энг кучли қизиқчилар иштирок этган илк баҳсда эмас, кейингиларида иштирок этганда шоҳсупага чиқармиди?! Бу унинг мухлислари хаёлидаги ўйлар. Ўзи эса катта саройда машҳур қизиқчилар Обид Асомов, Мирза Холметовлар сафида эл олдига чиққанидан мамнун эди.

Ундан озми-кўпми нималардир қолди. Хайриятки, инсон ўзидан нималардир қолдиради. Ундан бир эмас, икки эмас, бир йўла беш нафар гўдак қолди. Зотан, улар ҳаётда яшаб юради. Қийналиб бўлсада катта бўладилар. Бир эмас, икки эмас, беш инсон унинг чироғини ёқади, унинг номини кўтариб юради. Ундан яна ўзи яратган, ижро этган ҳангомалар қолди. (Афсус кўпи ўзи билан кетди). Уларга ҳам узоқ умр тилагинг келади. Яна бир нарсаки, унинг дўстлари кўп эди. У қалбларда яшайди. У кулиб, кулдириб қалбларга кирганди-я. Афсус...

Чори ЛАТИПОВ.

БИР КУНЛИК САЁҲАТ

Эрталаб сизни автобус остонангиздан олиб кетади. Бир пасда қадим Хивада бўласиз. Яқин йилларда икки минг беш юз йиллик маъракасини нишонлашга ҳозирланаётган шаҳарда зиёрат қиладиган, муқаддас қадамжолар қанча. Айниқса, юртбошиларнинг эътибори туфайли Қибла Тозабоғда Феруз боғининг ташкил қилиниши кўнгилдаги иш бўлди. Одамлар узоқ йиллар тавоф қилиб келган ҳилхоналар яна ўз мақомига қайтарилди. Зиёратгоҳга айлантирилди. Шаҳардаги юзга яқин меъморий обидани айлангунингизча вақт кечга оғиб кетади. Бу орада тушлик ҳам қиласиз. Сизга беминнат, намунали хизмат кўрсатишади. Кейин тўғри Оғаҳий номидаги вилоят театрига ташриф буюрасиз. Бу ерда янги саҳна асарини мириқиб томоша қиласиз. Сўнг сизни яна ўйингизга элтиб қўйишади.

Бу хизматларнинг ҳақи қанча бўлади, деб ҳижил тортдингиз. Ҳеч қанча? Сиз йил ўн икки ой тер тўкиб, ҳисса қўшиб келган хўжалигингиз ҳимматидан бўлади ҳаммаси.

«Ўзбектуризм»нинг Хоразм минтақаларо бўлими ташкил қилган юқоридаги бир кунлик саёҳат меҳнат аҳлига маъқул тушмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

Нуқтаи назар

Ақллилик балоси

Уни боши берк кўчага олиб кириб қўйган ҳам шу бўлди.

Олдинига ҳамма унга ҳавас қиларди. Аълочи ўқувчи, синф бошлиғи, комсомол котиби. Мактабдаги ҳамма яхши ишлар унинг номи билан боғланарди. Ўқишни олтин медалга битирди, институтга кирди.

Талабалик олтин давр бўлолмади у учун. Беш йиллик умрини кутубхоналарда, ўқув залларида ўтказди. Бошқаларга ўхшаб қизлар билан юргани, муҳаббатда куйиб-ёнгани йўқ. Байрамларни ҳафталаб нишонлагани йўқ. Ўқитувчилари уни яхши кўришарди. «Сен илмий иш қилишинг керак, уддалайсан», дейишарди.

Ўқишни тамомлаган йили уйдагилари билан шу ҳақда маслаҳатлашди.

— Ўйлаб кўр ўғлим, — ботинмайгина сўз бошлади отаси. — Яқинда уйланган бўлсанг, болачақали бўларсан, мусофир юртда қийналиб қолмасмикансан. Уйжой, маблағ масаласи деганларидай...

Қариндошлар ҳам шунга ўхшаш фикр билдиришди. Фақат акасигина унинг ёнини олди:

— Ишлаш, бола-чақа боқиш ҳаммани ҳам қўлидан келади. Лекин илмий иш қилиш — бу ҳам худонинг бир неъмати — уни ҳар кимга ҳам раво кўравермайди. Қийналса қарашармиз, қўлидан келаркан, ўқисин. — деди ёнибкуйиб.

У дунё лаззатларидан воз кечди. Ёшгина хотини қишлоқда, ўзи шаҳарда, талабалар ётоқхонасининг кичкина ҳужрасида қора қозони қайнаб-қайнамай яшай бошлади.

Бу пайтда СССР деганларига ҳам демократия, ошкоралик каби гаплар оралаб қолган, ҳамма ўз билгича яшашга уринаётган эди. У уч йил бошини китобдан кўтармай, Москва, Ленинград, Украина кутубхоналарига бориб, маълумот йиғди. У тенги йигитлар эса ўзларини савдога уришди. Бирови чет элга қатнаб машина олди, бошқаси иморат солди. Илмнинг этагидан тутган, юртимнинг, халқимнинг бир оғирини енгил қиламан, деган бу йигитнинг эса баъзан китоб сотиб олишга пули бўлмасди. Боқ кечалари уйқуси қочиб, «дада, нега биз билан яшамайсиз?» деб сўрайдиган ўғилчасини, «қишлоққа қайтинг, биз ҳам одамларга ўхшаб яшайлиқ», дейдиган хотинини ўйлаб иккиланган пайтлари ҳам бўларди. Бироқ эртасига яна севимли машғулотига, китоблар оламига шўнғиб кетарди.

— Мана шу чойнак Тошкентда ишлаб чиқарилади, — дейди ҳамсуҳбатим. — Балким 50 йилдан буён шу каби чойнаклар сотувга чиқарилар. Лекин биласизми, ана шу чойнакни тайёрлаш рецептини ўйлаб топган давлатга биз ҳар йили патент тўлаймиз. Бу каби ўзимизнинг ҳам ақлимиз етадиган, лекин чет элдан сотиб олинадиган нарсалар бизда жуда кўп. Энди ўйлаб кўринг, биз мустақил бўлдик. Энди патентни ўз чўнтагимиздан тўлаймиз.

Мен-ку маблағ йўқлиги сабаб илмий ишимни тўхтатишга мажбур бўлдим. Менга ўхшаганлар қанча-ю. Шунча йил давомида бизни ўқитишга сарфланган маблағга ичи куядиган одам топилмади. Меҳнатимга, ўтган умримга ачинганим майли. Лекин барибир эрта-индин мен яратмоқчи бўлган буюмни ҳам чет элдан сотиб оламиз-ку?

Шундай қилиб ақллилик балосига гирифтор бўлган қаҳрамонимнинг илмий изланишлари бесамар тугади. Уни уч йил ахмоқ қилиб китоб титтиришди, уч йиллик умри беҳудага сарф бўлди, кейин эса силлиққина қилиб жавобини беришди.

Бир аспирант танишимиз бор. Илмий иши кўприклар билан боғлиқ. Текшириш жараёнида кўприкдан машинани турли тезликда ўтказиб синаб кўриши, аллақандай ҳисоб-китобларни қайд этиши керак экан. Ишқилиб ниятига етгунча, бирор ой вақти кетди. Бировларга ялиниб-ёлворганини айтинг.

— Энди қишлоққа қайси юз билан бораман. Сўраганларга нима дейман? Улар аҳволимни тушунишармиди? Эплолмапти дейишмайдими? Мутахассислигим бўйича иш излаб кўрдим. Тополмадим. Энди бориб бўёқчиликми, сувоқчиликми қиламан. Оиламни боқишим керак-ку! Ўн йил бекорга ўқиган эканман...

Унинг пушаймонларини эшитиш оғир. Бирор нарса деб кўнглини ҳам кўтаролмайсиз. Нимаям дейсиз? Яна айбни йўқчиликка, бозор иқтисодига тўнкайсизми? Бозорга фақат бозор кераклигини, ҳозирча илмдан воз кечишга тўғри келаётганини уқтирасизми?

МАКТАБНИ бу йил тамомлайдиган йигит-қизлар билан гаплашиб қолдик. Бир синф ўқувчиларидан ўқишни битириб нима қилмоқчи эканларини сўрадим. Фақат икки нафарида институтга кириш нияти бор экан Қолганларининг жавобини эшитсангиз, нима кунларга қолганлигимизни англаб етасиз.

РАШИД — Савдо-сотиққа анча тишим ўтиб қолди. Жойлашолсам магазинда ишлайман. Бўлмаса, олибсотарликми, даллолликми қиларман.

МУРОД — Яхши ўқийман. Институтга кирмоқчийдим. Олий маълумотлиларнинг аҳволини кўриб ҳафсалам пир бўлди.

Ҳозир ойликка яшаш қийин. Акам инженерлар. Олти минг сўм маош оладилар. Тўртта болалари бор. Ўтган куни янгам кичкинасига этик олиб келдилар. Бир ярим минг сўмга. Беш йил ўқиган олий маълумотли инженернинг ойлиги тўрт боласининг оёғигагина етса, уларнинг эгни, қорни нима бўлади? Жиянларим кунда, кунора дадаларига телевизорда кўрган шокаладларидан «заказ» беришади. Ҳар куни акам ишдан қайтгунларича магазин «беркилиб қолган» бўлади. Мен бундай яшолмайман.

АЗИЗ — Олти жон икки хонали уйда яшаймиз. Дадам ҳам, ойим ҳам ўқитувчилар. Институтни қизил дипломларга битириб эришганлари шу бўлдими?

Эрта-индин акамни уйлантиришлари керак. Лекин қаерга? Ўйлаганлари шу. Уларга раҳмим келади. Ҳозир битта уй фалон пул бўлса. Унча пулни ойликчи одам тушидаям кўрмайди. Ана шуларни кўра-била туриб мен ўқирмидим? Ишлайман, ишлагандаям пули кўп жойда ишлайман.

Болаларнинг гапларини эшитиб эътироз билдиролмайсиз. Уй ҳам, жой ҳам, яхши ҳаёту обрў-эътибор ҳам пули бор одамники бўлиб қолган ҳозирги пайтда ортиқча гапга ўрин йўқдай туюлади. Лекин барибир уларга ШУНДАЙ дегим келади.

Ахир бу «эркинлик» вақтинчаку! Ахир бир куни савдо ҳам бир изга солинар-ку! Халқнинг оғир аҳволидан фойдаланаётган юлғичларга чек қўйилар-ку!

Қўқонда «жаҳон бозори» номини олган бир бозор бор эди. Унда ҳамма нарса сотиларди. Озиқ-овқатнинг ҳамма тури. Магазинда сотилиши керак бўлган оддий печеньедан тортиб турли-туман ичимликларгача. Дуч келган одам хоҳлаган нарсасини истаган нархида сотаверарди. Ўшаларнинг сариёғ ишлаб чиқарадиган комбинати, ароқ, коньяк заводи, конфет фабрикаси йўқ эди. Бу усулда ҳар куни минг-минглаб даромад олаётган савдогар боланинг ўқиш тугул ишлашга бўйни ёр бермасди.

Бироқ бугун ўша «жаҳон бозори» йўқ. «Савдогар» болалар ҳам.

Эрта бир кун халқнинг улушини оғзидан юлиб олиб унинг ўзига ўн, юз баробар қимматига сотаётган «тижорат» дўконлари ҳам ёпилар. Олибсотарликка чек қўйилар. Кейин нима бўлади? Ҳа бир маълумоти, на бир ҳунари йўқ юзлаб, минглаб Рашид, Мурод, Азизлар нима қилишади?

Шундай кунлар келадики, юксак онгли, маълумотли кишиларгина сотувчи, тижоратчи, бизнесмен бўла олишади. Унда фақат югурдаклик, чайқовчилик қўлидан келадиганларнинг ҳоли нима кечади?

ШУЛАРНИ айтиб, пушаймондан юраги куйиб бораётган аспирант дўстимизга далда бергим келади.

Турмуш бизни қорин ташвишидан бошқа нарсани кўрмасликка, рўзғор тақчиллигидан бўлак қайғуни ўйламасликка мажбур қилаётган бир пайтда ҳам ўзини илмга бахшида этаётган кишилар борлигига шукур қиламан.

Ҳозир биз уларнинг қадрига етмаяпмиз. Балки бу йигитни маблағ йўқ, деб мушкул аҳволга солиб қўйган бошлиқлари унутиб юборишгандир. Шунча йил институт тупроғини ялаган шогирдларининг ишсиз, умидсиз яшаётганини билишни исташмас.

Шогирд эса умрбод шогирдлигича қоладиганга ўхшайди.

Қишлоқдан иш тополмагач, Тошкентдаги нуфузли идоралардан бирининг эшигини қоқди. Унинг тарихини эшитган раҳбарчалардан бири «шунча билим билан арзимаган вазифада ишласангиз бўлмас, сизнинг ўрнингизда бўлсам, тиланчилик қилиб бўлсада, илмий ишимни охирига етказардим», деб маслаҳат берди. Бу маслаҳатни жонкуярликни, меҳрибонликни амал курсисининг ёлғон ишваларига алмашган, киши айтгани учун ҳам индамадим.

Салкам фан номзоди бўлмиш қаҳрамонимиз эса қишлоғига кетди...

Муяссар МАНСУР қизи,
«Туркистон» шарҳловчиси.

Мажид Ҳасанов тарихчи олим. У Ўзбекистон тарихи мавзусида қатор рисолалар, қўлланмалар битган. Айни пайтда эса 1-Тошкент Тиббиёт институтининг ўзбек тили кафедрасида фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, кафедра қатор тадбирларни ўтказди. Ўқув қўлланмаларини чоп этди. Машғулотларнинг давлат тилида ўтилишига эришилмоқда. Бу ишларда албатта. Мажид Ҳасановнинг ўрни катта.

СУРАТДА: тарихчи олим Мажид Ҳасанов (ўнгдан иккинчи) институт ўзбек тили кафедраси муаллимлари даврасида.

Суратчи
Муҳаммад АМИН.

Газета саҳифаланаётганда

ДОНОР ҚОНИНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Беморнинг ҳаёти қил устида турибди. Унга зудлик билан қон қуйиш керак. Ана шунда донорлар асқотиб қолади.

— Кези келганда донор ҳам топилмай, қон ҳам тополмай қийналамиз, — дейди Сурхондарё вилояти қон қуйиш марказининг бош ҳакими Д. Қаландаров. — Ҳозир бир литр қон 650 сўм, қон зардоби эса 1000 сўм туради. Бундан қимматлари ҳам бор. Лекин донорларга қон топширганлари учун овқатга деб 30 сўм берилади. Шунинг учун ихтиёрий қон топширувчилар камайиб боряпти. Зарур бўлганда қариндошуруғлар, таниш-билишларгина беморнинг жонига оро кирадиган бўлиб қолди.

Республиканинг айрим вилоятларида эса бу муаммо ҳал этилмоқда. Самарқанд, Навоий вилояти ҳокимликлари қарори билан донорларга 100 сўм берилади. Уларга махсус озиқ-овқат дўкончалари хизмат қилади.

Хўш, қоннинг баҳоси неча пул? Уни белгилаб бўлармикан?! Нима дейсиз?

Ч. ТУХТАЕВ.

Китоб жавонингизга

Алдаганлар ва алданганлар қиссаси

БУ КИТОБ қандай ёзилганини мен яхши биламан. У дала-ҳовлида ёки шинам оромгоҳда бамайлихотир, оёқни узатиб, ўтириб ёзилган эмас. Шунинг учун уни «майин кекириб», лоқайдлик билан мутолаа қилиш мумкинмас. Чунки ҳар саҳифаси аччиқ «Яқин ўтган кунлар»имиздан ҳикоя қилади. Ҳужжатлар, ашёвий далиллар ва холис фикр-мулоҳазалар, шарҳлар воситасида биз ғира-шира билган воқеалар кўз ўнгимизда намоён бўлаверади.

Гап Набижон Боқийнинг «Қатлнома» ҳужжатли қиссаси хусусида кетяпти. Уни Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси яқинда чоп этди.

«Қатлнома» Абдулла Қодирийни кимлар, қандай йўсинда қаерда, қачон ва нима учун қатл қилган эдилар каби мураккаб саволларга жавоб топиш мақсадида ёзилган бўлса-да «лекин қиличини яланғочлаб турган ҳакам мисоли бетўхтов ҳукм чиқаришга шошилма»йди. Балки 1937-38 йилларда рўй берган мудҳиш қатлиом нима учун содир бўлганини теран таҳлил этади. Натижада биз фақат ўзбек халқининг оташин фарзанди Абдулла Қодирийнинг шахсий фожиаси билан эмас айни замонда ижтимоий тузум фожиаси билан яқиндан танишамиз.

«Биз юзма-юз турган ҳужжатлар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу ҚАТЛНОМА миллатни ичидан бузиш, бошларни ишдан чиқариш тўғрисида махсус кўрсатмалар, қарорлар бор эканини исботлаб турибди: қўлимиздаги энг ишончли далил, биринчидан, Абдулла Қодирийнинг жисмонан маҳв этилиши бўлса, иккинчидан, Абдулла Қаҳҳорнинг маънан ўлдирилишидир!» (51 бет).

Миллатнинг йўлбошчиларини, етук сиймоларини йўқ қилиб ташлашга йўналтирилган чиркин Шўро мафкурасининг яна бир ёвузлиги шунда эдики, у етишиб чиқаётган ёш иқтидорларни ҳам аввал бошда жиловлаб оларди: бирларидан устамон сотқинлар тайёрларди, бирларини эса то ўлгунича шу тузумга содиқ хизмат қиладиган муте қулларга айлантирарди. Ана шу «сотқинлар», «муте қуллар» эса миллатнинг келгусини, бутун-бутун авлодини тарбиялайдиган «социалистик реализм руҳи билан суғорилган» шоҳона асарлар ёзиб, тириклигидаёқ даҳоларга айланиб, энди уларга сиғина бошлардилар.

Биз ошкоралик сиёсати ўлароқ тарихимизнинг «қора кунлари»ни илғай бошладик. Кимдир уни исёнкор шеърий мисраларга сочди, кимдир бадиий рисолаларга ҳатлади. ХХ аср мажозий тимсолларга ишонмайди. Унга аниқ тарихий далолат, ашёвий далиллар, гувоҳларнинг қўлёзмалари керак. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, «Қатлнома» тенги йўқ асар. Унда ҳукм ҳақидаги чўпчак, қулоқлардан қулоқларга меҳмон бўлмиш хотиралар эмас, ана шу аёвсиз ҲУКМнинг ғирт ўзи бор. Шафқатсиз ҳукм қаршисида лол қолмиш алданганлар, қўрқоқлар, сотқинлар, ижрочилар, айғоқчилар, падаркушлар бор. Оломонга айланган бутун бир халқ бор.

Бир қараганда дилбар адибимиз Абдулла Қодирий фожиаси тўла-тўкис кўрсатиб берилган асар даврнинг улкан кўламдаги ҚАТЛГОҲидан шошилинч олиб ёритилган «жиноят хроникаси»га ўхшаб кетади. Лекин, синчков китобхон ҳатто «ўрта маълумоти» билан-да бу «ўйин»нинг бутун кўламини теран англаб, фожиа ортидаги фожиаларни: ўнлаб, юзлаб, минглаб ҚАТЛНОМАларни кўра олади.

20, 30-йилларда юртга балои офат ёғдирган қизилларнинг манфур қиёфалари Туркистон узра, унинг фидойи, ватанпарвар ўғлонлари бошқ узра калхатдек изғиб, ҳар бир кулбани қабристонга айлантирганини рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар фош этади, гувоҳлар тирилиб қайта сўроқ бермоққа келадилар, ғозийларнинг безовта руҳлари илҳақ кезинади...

«Қатлнома»ни ўқиб олган таассуротларим шулар. Асар мазмунига тўхталганим боиси, у бор-йўғи ўн беш минг нусхада чоп қилинган, топиб ўқиш ҳаммамизга насиб этмайди.

Рўзимбой ҲАСАН.

Келгуси сонда:

- «ҚОЗОҚНИНГ ЧИРОЙЛИ БОЛАСИ»
- «ҚИЗИЛ ТОНГ»: РАҚОБАТЧИЛАР КЕРАК

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ *ва* "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.30 га белгиланган. Чоп этиш учун 19.00 да имзо чекилди. Буюртма Г—75. 1 2 3 4 5 6